

# VATANPARVAR



## ҲАРБИЙ ШИФОКОРЛАР

Ҳарбий шифокорлик мардликдир асли,  
Сиз Сино авлоди, Темурбек насли,  
Тиббиёт оламин гурури, фахри,  
Шаънига муносиб фидойи зотлар.

Заҳмат камарини боғлабон белга,  
Тиббиёт қасамин муҳраб дилга,  
Ҳарбий либосда онг ичгансиз элга,  
Бурчига фидойи чин эътиқодлар.

Тунни тонга улаб чекурсиз заҳмат,  
Ватан посбонлари сиз-ла саломат,  
Меҳрингиз пойида чекинади дард,  
Минг синов олдида сабри саботлар.

Посбон сўзи Ватан, соғлиқка пайваст,  
Соғлиқ посбонисиз алпу забардаст,  
Сиз бор, дард лашқари қилолмагай қасд,  
Нурсиз кўнгилларга олмос нажотлар.

Шифокор посбонсиз эл-юртга азиз,  
Тиббиёт илмида юксагу тенгсиз,  
Ватан тинчлигида ҳиссангиз чексиз,  
Боқий қўшиқларда шаъни баётлар.

*Зулфия ЮНУСОВА*

2020 йил 6 ноябрь, №45 (2900)

Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган



4-бетада

ҚАДИМ ТИББИЁТНИНГ  
БУГУНГИ ОДИМЛАРИ



12-13-бетада

ТОБЛАНИШ МУСОБАҚАСИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 4 ноябрь куни Шанхай шаҳрида «СИЕ-2020» Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросими иштирокчиларига видеоалоқа орқали мурожаат йўллади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ЭКСПОдек йирик тадбирнинг ўтказилаётгани Хитойнинг миллий иқтисодиётни тиклашда эришаётган муваффақиятларидан ҳамда кенг қўламли халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ниҳоятда зарур эканидан далолат беришини таъкидлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти глобал инқироз шароитида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим масалаларига тўхталиб ўтди.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни либераллаштириш, ташқи савдо режими ва экспорт-импорт тартиб-таомилларини соддалаштириш, норматив-ҳуқуқий базани халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, «яшил йўлақлар»ни шакллантириш, Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш, янада қулай инвестиция муҳитини яратиш борасида изчил кўрилаётган чора-тадбирлар қайд этилди.

Ўза материаллари асосида тайёрланди.

## ЎЗБЕКISTON



HAFTA ICHIDA

6 ҚАТЪИЯТ ЎЗ  
СЎЗИНИ АЙТГАН КУН

9 ИЛК ОФИЦЕРЛИК  
УНВОНИ МУБОРАК!

11 ОДОБ  
ЧЎҚҚИСИДАГИ  
БОЛА

18 ПРОФЕССИОНАЛ  
БОКС «БЕЗОРИ»СИ

## ОНЛАЙН-КОНФЕРЕНЦИЯ

“ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тинчлик йўлида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик доирасида турли Халқаро ҳарбий-илмий конференция, семинар ва ўқув машғулоти ташкил этиш анъанага айланди.

Навбатдаги ана шундай тадбирлардан бири – Халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференция Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида бўлиб ўтди. Бутун дунёда «COVID-19» пандемияси билан боғлиқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда тадбир видеоконференцалоқа шаклида ўтказилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кўмагида «Замонавий ҳарбий низолар ва уларнинг олдини олиш йўллари» мавзусидаги онлайн-конференцияда Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг минтақавий аксил-террор тузилмаси, Шимолий Атлантика шартномаши ташкилоти, Жорж Маршалл номидаги хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича Европа маркази, Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси, Польша,



даврнинг глобал таҳдидлари» мавзусида мулоҳазалар юритди ва минтақавий муаммолар ҳамда уларнинг ечимига тўхталиб ўтди. Шунингдек, у цивилизациялар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, халқаро терроризм ва экстремизмнинг барча кўринишлари, наркотажовузкорлик, қуролли низолар, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, ахборот-руҳий урушлари, глобал иқтисодий-молиявий инқирозлар, табиий ва техноген офатлар, экологик муаммолар, пандемия кўринишидаги ноанъанавий таҳдидларга қарши биргаликда кураш олиб бориш – хавфсизликни таъминлашнинг олтин қоида

## ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ

нидан замонавий ҳарбий низоларнинг янги шаклий ўзгаришларини ўрганиш, трансиллий таҳдидларга қарши курашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, Қуролли Кучлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тажриба алмашиш, ҳарбий тўқнашувлар, ноанъанавий таҳдидларга қарши кураш бўйича миллий ва халқаро тажрибани умумлаштириш, хорижий олий

нилан материаллар ва тавсиялар, Қуролли Кучлар ислохотлари ижобий тажрибалари, замонавий ҳарбий низоларда ҳарбий санъат ривожининг янги тенденциялари, таълимнинг инновацион ёндашувларини ўрганишга, умуман ҳарбий хизматчиларнинг билими ва дунёқарашини янада кенгайтиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.



Украина, Ҳиндистон, Италия, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Беларус Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси мутахассислари иштирок этишди.

Анжуманнинг очилиш маросимида мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Хамдам Каршиев ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги координатори Жон Мак Грегор сўзга чиқиб, халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференциянинг долзарб жиҳатларига тўхталиб ўтишди.

Биринчи кун дастурига биноан саккиз нафар мутахассиснинг турли мавзулардаги маърузаси тингланди. Илғилишнинг биринчи маърузачиси сифатида полковник Хамдам Каршиев «Ҳозирги

эканлигини таъкидлади.

Конференция давомида истеъфодаги полковник Робин Масинкофф (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти), профессор Грегори Глинссон (Жорж Маршалл номидаги хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича Европа маркази), профессор Айбек Уулу Лесбек (Қирғизистон Қуролли Кучлари ҳарбий институти), полковник Марат Жусупбеков (Қозоғистон Мудофаа вазирлиги стратегик ривожланиш департаменти бошлиғи), полковник Виталий Шлакунов (Беларусь ҳарбий академияси доценти), профессор Рустам Самаров (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси бошлиғи ўринбосари) ҳамда Виктор Михайлов (Минтақавий таҳдидларни ўрганиш маркази директори)ларнинг маърузалари тингланди. Мутахассислар томо-



таълим, тадқиқот марказлари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Онлайн видеоконференциянинг иккинчи кунда «Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳудудида кибертерроризмга қарши кураш», «Ўта муҳим инфратузилмалар киберхавфсизлиги ва химоясини таъминлашдаги тамойиллар», «Замонавий ҳарбий низоларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларнинг роли», «Минтақадаги хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари», «Глобал ва минтақавий хавфсизлик борасида Хитой Халқ Республикасининг роли» каби мавзуларда ўзбекистонлик ва хорижлик мутахассислар ўз маърузалари билан чиқиш қилдилар. Халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференция маърузачилари қўлла-

Халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференциянинг якунида полковник Хамдам Каршиев анжуман иштирокчиларига Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар академияси раҳбарияти номидан эсдалик совғалар ҳамда дипломлар топширди.

Таъкидлаш жоизки, икки кунлик халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференция давомида бугунги даврнинг энг долзарб мавзуларидаги жиҳатларга эътибор қаратилди. Анжуман қатнашчилари дунёда хавфсизликни таъминлаш учун ягона платформа доирасида бирлашиш муҳимлигини таъкидладилар.

Асрор РЎЗИБОВЕВ,  
«Vatanparvar»




## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

30 октябрь куни Марказий ҳарбий округ ситуацион марказида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Қуролли Кучлар Бош штаб бошлиқлари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Россия Федерацияси, Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари Қуролли Кучлари Бош штаблари бошлиқлари, шунингдек, МДХ Ижроия қўмитаси делегацияси иштирок этди.

Россия Федерацияси Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғи армия генерали Валерий Герасимов йиғилишни очар экан, жорий йилда халқаро ҳамкорликка оид кўплаб тадбирлар пандемия туфайли видео-конференц алоқа тарзида ўтказилгани ёки бошқа муддатларга қолдирилганини айтиб, Самарқандда юзма-юз учрашувимиз Қуролли Кучларимиз Бош штаблари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликнинг юқори даражада эканлигидан далолат беради, деб таъкидлади. Бундай нуфузли халқаро анжуманнинг юқори савияда ташкиллаштирилишида бош-қош бўлган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига миннатдор-

# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ЯХШИ ҚУШНИЧИЛИК



чилик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғи генерал-майор Павел Эргашев кириш сўзида Ҳамдўстлик ҳудудидаги ҳамкорликнинг устувор йўналиши минтақавий хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, МДХ мамлакатлари Мудофаа вазирликларининг терроризмга қарши биргаликда ҳаракат қилиши эканлигини қайд этди.

Йиғилишда кун тартибига мувофиқ МДХга аъзо давлатлар ҳарбий идораларининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги кўп томонлама ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. МДХга аъзо давлатларнинг Қуролли Кучлар Бош штаб бошлиқлари мамлакатларнинг ҳарбий хавфсизлиги борасидаги замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни муҳокама қилиб, Ҳамдўстлик давлатлари чегаралари бўйлаб сиёсий вазиятнинг кескин ўзгариши

билан боғлиқ бўлган масалалар тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

Халқаро анжуман иштирокчилари қўшинлар жанговар тайёргарлигининг амалий аҳамиятига асосланиб, учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари, ҳаво ҳужумидан мудофаани ташкил этиш, моддий-техник таъминотни тизимли йўлга қўйиш, шунингдек, тўпланган тажрибани қўшинларни тайёрлаш амалиётида қўллаш каби жанговар операциялар тажрибалари билан танишдилар.

Йиғилиш кун тартибида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган қўшма тизимларни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қуролли Кучлар Бош штаб бошлиқлари қўмитаси томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий-касбий маҳоратини оширишга оид бир

лишувлари асосида яқунланди.

Тадбир доирасида меҳмонлар Самарқанддаги тарихий-маданий ёдгорликлар билан яқиндан танишдилар. Делегациялар раҳбарлари томонидан Самарқанд шаҳридаги хотира майдонида «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Россия Федерацияси Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғи армия генерали Валерий Герасимов «Гўри Амир» мақбарасини зиёрат қилиш чоғида буюк саркарда тарихини анча етарлича билишини, билмаганларини қизиқиш билан саволлар орқали сўрагани барчанинг диққатини тортди.

## БЕЛАРУСЬ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING «ҒАЛАБА БОҒИ»ГА СОВҒАСИ

Беларусь Республикаси делегациясига бошчилик қилган генерал-майор Александр Вольфович ҳамкасби Павел Эргашев билан учрашуви чоғида пойтахтимизда ташкил этилган «Ғалаба боғи»даги «Шон-шараф» музейига Иккинчи жаҳон урушида ўзбек

жангчилари кўрсатган жасорат, улар билан боғлиқ ҳужжатлардан иборат қимматли экспонатларни топширди. Мамлакат Президенти Александр Лукашенко томонидан тақдим этилган қимматли тарихий буюмларни топшириш жараёнида Александр Вольфович интервью берди.

– Ўтган йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Беларусга расмий ташрифи давомида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Тошкентда «Ғалаба боғи» бунёд этилаётганини айтганди. Мудофаа вазирлиги таркибидаги 52-алоҳида махсус қидирув батальон айнан урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг қолдиқларини излаб топиш ишлари билан шуғулланади. Айнан ушбу батальон томонидан қидирув-қазийш ишларида топилган Иккинчи жаҳон урушига алоқадор ўнлаб экспонатларни «Ғалаба боғи»даги музейга топшириш учун олиб келдик. Урушда ҳалок бўлган барча миллат вакиллариغا Беларусь Республикасида бирдек ҳурмат кўрсатилади. Биродарлик қабристонларига ҳамisha гуллар қўямиз. Биз бугунги тинч ҳаётимиз учун жонини қурбон қилган барча қаҳрамонлар порлоқ хотираси учун бош эгамиз.

Фазлиддин ЧОРИЕВ

қатор масалалар кўриб чиқилди. Бундан ташқари йиғилиш мобайнида миналардан тозалаш соҳаси мутахассисларини тайёрлаш амалиёти умумлаштирилиб, МДХга аъзо давлатлар Қуролли Кучларига қарашли авиация парвозлари хавфсизлигининг ўтган давр мобайнидаги ҳолати таҳлил қилинди.

Ҳамдўстлик давлатларининг ҳарбий соҳадаги ўзаро ҳамкорлигини изчил ривожлантириш мақсадида делегациялар раҳбарлари МДХга аъзо давлатлар Қуролли Кучларининг 2021 йилга мўлжалланган умумий тадбирлар режасини маъқуладилар.

МДХ давлатлари Қуролли Кучлари Бош штаблари бошлиқлари 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш даврида олиб борилган ҳарбий ҳамкорлик яқунлари билан танишиб, ҳамкорликдаги ҳарбий-тарихий ишларни янада ривожлантириш бўйича келгуси режаларни белгилаб олдилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Қуролли Кучлари Бош штаб бошлиқлари қўмитасининг йиғилиши амалий ва ҳар томонлама ҳамкорлик ке-

# ҚАДИМ ТИББИЁТНИНГ БУГУНГИ ОДИМЛАРИ

Тиббиёт инсон кашф этган билимларнинг энг қадимийси саналади. Қадим замонлардаёқ одамлар хасталикларнинг олдини олиш ва даволаш, соғлом ва узок умр кўриш сирларини ўрганишга интилган. Асрлар давомида бу соҳа катта ютуқларга эришди, яъни тиббиёт ҳунар даражасидан илм даражасига кўтарилди.

Ҳа, тиббиёт тараққиётни, замондан бир қадам олдинда бўлишни талаб қиладиган соҳа. Дунё бўйича бу соҳада доимий изланишлар, илмий тадқиқотлар олиб борилади. Шундай изланишлар натижасида ривожланган давлатларда охириги ўн йил ичида тиббиёт юқори технологик тармоққа айланди.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ҳам тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланди, соҳага даволашнинг янги ва замонавий усул ва услублари жорий этилмоқда, тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шундай ислохотлар жараёнида Мудофаа вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасалари ҳам йилдан йилга такомиллашди ва замон талаби асосида фаолият юритмоқда. Ҳарбий госпиталь ва тиббиёт пунктларида малакали кадрлар, ўз соҳасининг етук мутахассислари хизмат қилаётгани айниқса қувонарли. Бунда албатта, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультетининг муносиб ҳиссаси бор.

## МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Ҳарбий тиббиёт факультети 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ташкил этилди. Тиббий хизмат офицерлари тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар тиббий таркиби ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашдек улкан мақсад йўлида фаолият бошлаган мазкур илм даргоҳининг асосий вазифаси – интеллектуал салоҳиятга эга, она юртига садоқатли, қўшинларни тиббий таъминлашни самарали ташкил этишга қодир бўлган, тиббий хизматнинг юқори малакали офицерларини, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлаш, махсус билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб

## Ҳарбий тиббиёт факультети мисолида



Лейтенант Орифжон Мамажонов суратга олган

боришдир. Бу эса ўз навбатида давр талабларига жавоб бера оладиган ўқув-моддий базага эга бўлишни талаб этарди. Шундан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг қароридан кўрсатилганидек Мудофаа вазирлиги ҳарбий тиббиёт муассасалари, Тошкент тиббиёт академиясининг клиника ва кафедралари факультетнинг ўқув базалари этиб белгиланди.

## СОҲА ФИДОЙИЛАРИНИ ЖАМЛАГАН ДАРГОҲ

Қуролли Кучларга малакали ҳарбий тиббиёт ходимларини тайёрлаб бериш ўзига хос мураккаб жараён. Буни шу соҳанинг ичида юрган инсонлар яхши билишади. Чунки тинчлик ва уруш даврида қўшинларни тиббий таъминлашни самарали ташкил этишга қодир бўлган тиббий хизматнинг юқори малакали офицерларини тайёрлаш учун кучли билим ва салоҳиятга эга бўлган педагоглар жамоаси зарур. Бундай жамоани шакллантириш эса осон эмас эди. Ҳарбий тиббиёт факультетини ташкил этиш жараёнида бу масалага жиддий эътибор қаратилди. Илм даргоҳига бир неча йиллик тажрибага эга ҳарбий шифокорлар орасидан энг муносиблари ўқитувчилик учун танлаб олинди. Шунингдек, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлаш бўйича фаолият юритиб келаётган Тошкент тиббиёт академияси ҳарбий кафедраси ўқитувчиларидан ҳам танлов асосида факультетнинг ўқитувчи-профессорлар таркиби тўлдирилди.

– Республикамизда ҳарбий шифокорларни тайёрлаш учун алоҳида олий таълим муассасаси бўлмаган, – дейди Ҳарбий тиббиёт факультети бошлиғи тиббий хизмат подполков-

ниги Обиджон Аҳмедов. – Бу эса Қуролли Кучларимизни малакали ҳарбий шифокорлар билан бутлашда қийинчилик туғдирарди. Ҳарбий тиббиёт факультетининг очилиши ўз-ўзидан бу муаммоларга чек қўйди. Шу ўринда педагоглар жамоаси ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Истеъфодаги тиббий хизмат полковниклари – доцент Исроил Маматов, Абдураим Раҳимов, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги Соли Ярашев номларини етук мутахассислар сифатида кўпчилик яхши билади. Улар факультетда ҳарбий дала терапияси, ҳарбий дала жарроҳлиги ва ҳарбий токсикология бўйича курсантларга сабоқ бериб келмоқдалар. Ўқитувчилар жамоаси ҳақида сўз кетганида яна тиббий хизмат полковниклари – Носиржон Фозилов ва Бобокалон Ҳалимовнинг номини алоҳида тилга олсак арзийди. Улар ҳарбий дала жарроҳлиги ва қўшинлар тиббий таъминотини ташкиллаштириш кафедрасини бошқаришади. Тиббий хизмат майори Жамолiddин Абдусаматов эса бир неча йил давомида Россия Ҳарбий тиббиёт академиясида ҳарбий дала жарроҳлиги бўйича тахсил олиб қайтган. Улар зиммасидаги улкан масъулиятни яхши англайди. Ана шу масъулиятни теран ҳис қилиб, мамлакатимиз Қуролли Кучларини малакали, ҳар томонлама етук ҳарбий шифокорлар билан бутлашга бор куч ва имкониятларини ишга солган ҳолда ҳаракат қилмоқда.

## «ЎЗИМИЗНИНГ КУРСАНТЛАР»

– Факультетга республикамиздаги олий тиббий таълим муассасаларининг даволаш иши йўналиши бўйича ўқишнинг бешинчи курсини тамомлаган, ҳар томонлама соғлом,

бақувват талабалар махсус танлов асосида танлаб олинган. Этиборли жиҳати шундаки, танлов жараёнида ёшларимизда шарафли касбга бўлган меҳр-муҳаббат кучли эканлиги яққол намоён бўмоқда, – дейди Ҳарбий тиббиёт факультети ўқув-илмий бўлими бошлиғи тиббий хизмат полковниги Абдуҳамид Бекенов. – Курсантларимиз соҳанинг сир-асрорларини чуқурроқ эгаллашга интилади. Машғулотларда доим фаол. Шунинг учун улар билан ишлаш қизиқарли ва масъулиятли. Факультетимизни тамомлаган кадрлар бугун республикаимизнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий тиббиёт муассасаларида хизмат қиляпти. Уларнинг хизматда эришаётган ютуқларидан бохабармиз ва бундан хурсандмиз. Энг муҳими, бизнинг курсантлар ишончимизни оқлаяпти!

Курсант Алибек Абдувалиев Андихон давлат тиббиёт институтидан қабул қилинган. Алибек ҳарбийлар сулоласининг давомчиси. Батартиб, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашади. Бу ҳам бўлса болалигидан ўз олдига шарафли мақсад қўйиб, интиганини билдириб туради.

– Кичкиналимизда мен ҳам дадам каби ҳарбий бўламан, деб орзу қилардим. Лекин буним сабаб шифокор бўлишни ўз олдимга мақсад қилганман, – дейди суҳбатдошимиз. – Бунимнинг юраги тез-тез безовта қилиб турарди. Шундай вақтларда «Қанийди шифокор бўлсам-у бунимни бу дарддан халос қилсам», деб орзу қилардим. Лекин буним 57 ёшида юрак қон-томир касаллиги туфайли вафот этди. Бу мен учун катта йўқотиш бўлди. Шундан кейин кардиолог шифокор бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим... Айни вақтда Ҳарбий тиббиёт факультетининг 6-курс курсантиман. Келажакда тахсилни магистратурада давом эттирмоқчиман. Кардиолог шифокор бўлиб эл дардига малҳам бўлсам дейман.

Курсант Воҳиджон Жумабобоев ҳам аълочи курсантлардан бири. Алибекдан фарқли ўлароқ Воҳиджон акасига қизиқиб шифокорлик касбини танлаган. Унинг акаси Бехзод Ҳайдаров малакали нейрохирург.

– Мактабни битириб танлаш имконияти берилганда мен ҳам акам каби шифокорликни танладим, – дейди Воҳиджон. – Шундай қилиб Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга кирдим. Эндликда тахсилни Ҳарбий тиббиёт факультетида давом эттиряпман. Эгаллаётган касбимнинг ўзига хос жиҳатларини, масъулиятини яхши англайман. Шунинг учун сабоқларни қунт билан ўзлаштиришга интиляпман.

Устозларнинг шоғирдлар ҳақидаги илиқ фикрлари ўринли эканлигига курсантлар билан суҳбат жараёнида ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Бу йигитлар тимсолида ҳарбий тиббиётнинг ёрқин келажagini кўрдик ва бундан чексиз шод бўлдик. Эътирофга сазовор жиҳати, мазкур факультет негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилаётгани соҳанинг порлоқ истиқболдан, эришажак ютуқ ва муваффақиятлар ҳали олдинда эканлигидан дарақдир. Ўзгаришлар бардавом экан, ҳарбий тиббиёт соҳасида бизни қувонтирадиган хабарлар кўп бўлади, дея ишонч билан айта оламиз.

Майор  
Гулнора ҲОЖИМУРОВА

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

# ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ



III даражали сержант Олим БЕРДИМОВ суратга олган

“ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали узок йиллик тарихга эга нуфузли тиббиёт муассасаларидан бири. Бу саломатлик гўшасида неча юзлаб тиббиёт дарғалари фаолият юритган. Неча минглаб Ватан посбонлари дардига дармон топган, саломатлигини тиклаган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, ҳарбий госпиталь янги босқичга қадам қўйди. Истиклолнинг илк йилларида барча соҳада бўлгани каби, тиббиёт ҳам кескин ўзгаришларга юз тутди. Бу ишлар ҳарбий тиббиёт муассасаларини ҳам четлаб ўтмади. Олиб борилган ислохотлар самарасида ҳарбий шифо масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар, биноларни таъмирлаш, замонавий жиҳозлаш каби масалалар ҳал этила бошланди. Ииллар давомида маълум ютуқларга эришилди. 2018 йилга келиб эса... Ҳа, айнан шу йили госпиталь ҳаётида катта бурилиш рўй берди.

## ТАРИХИЙ КУН САМАРАСИ

2018 йилнинг июль ойида Марказий ҳарбий клиник госпиталга давлатимиз раҳбари ташриф буюрди. Ҳарбий тиббиётда катта бурилиш ясаган бу қутлуғ ташриф муҳим аҳамият касб этди. Госпиталь ҳаётида тарихий кун сифатида муҳрланди, улкан ўзгаришларга замин яратди. Бу ўзгаришлар жадаллик ила давом этмоқда.

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғи Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, тиббий хизмат полковниги Худойқул Раҳимқулов билан суҳбатимиз ҳам ҳарбий тиббиёт соҳасининг ривожига ҳақида кечди.

– **Ҳарбий тиббиёт катта ўзгаришлар остонасида турибди. Бунини янги қурилаган замонавий тиббиёт мажмуасидан ҳам билса бўлади. Шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз.**

– 2018 йили мамлакатимиз раҳбарининг госпиталга ташриф буюриши улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. Тарихий аҳамиятга эга устувор вазифалар белгиланди. Бу вазифалардан бири ҳарбий шифохона ҳудудида замонавий даволаш-диагностика мажмуасини яратиш, уни юқори технологиялар ва тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш эди. Шундан сўнг, мутахассислар билан ҳамкорликда ҳарбий мажмуа лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Асосан, жарроҳлик амалиёти учун мўлжалланган мажмуада 255 бемор ётиб даволаниши белгиланган. Юқори тиббий технологиялар билан жиҳозланган 16 та махсус хонада ҳар қандай мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкин. Госпиталь ўзининг замонавий симуляция марказига эга бўлади, ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилади, телемедицина амалиётга татбиқ этилади.

Ҳарбий тиббиётдаги янги лойиҳаларимиздан яна бири гарни-

зонлардаги ҳарбий госпиталлар билан битта тизимга ўтиш, тиббий ҳужжатларни электрон тизимга ўтказиш белгиланган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда фаолият юритиш, ахборот алмашиши, онлайн усулда дунёдаги етук тиббиёт марказлари мутахассислари билан тажриба алмашиш лойиҳамизга киритилган.

Яна бир муҳим воқеалардан бири давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 октябрдаги тегишли қарорига асосан, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультети Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясига айлантирилди. Бу катта янгиллик бўлди.

## ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР – МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Ҳар бир соҳа ривожига янгилıklar яратиш муҳим аҳамият касб этади. Тиббиётда ҳам худди шундай. Ҳар қандай даврда қутилмаган касалликлар бош кўтариши табиий ҳол. Унга қарши курашиш учун тиббиёт вакилларида изланиш, интилиш, билим ва салоҳият талаб этилади. Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам илмий-тадқиқот ишлари учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, ҳозирда ўнга яқин ҳарбий шифокорлар тиббиёт соҳасининг долзарб муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

Қувонарли жиҳати, 2020 йилда икки нафар ҳарбий шифокор илмий иш ёқлади. Тиббий хизмат полковниги Улуғбек Расулов қон-томир жарроҳлиги, тиббий хизмат майори Беруний Чориев суд-тиббий экспертизаси йўналишида тиббиёт

фанлари доктори илмий даражасини муваффақиятли ҳимоя қилди. Марказий ҳарбий клиник госпиталдаги улкан янгиланишлар даврида илмий-тадқиқот ишлари янада юқори даражага кўтарилишига, шубҳа йўқ.

## ҲАРБИЙ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК САЛОҲИЯТИ

Сир эмаски, Ватан посбонлари нафақат она юртнинг тинчлиги ва ҳурлигини ҳимоя қилади балки, мамлакатда юз берган ҳар қандай эпидемиологик ҳолат ва фавқулодда вазиятларда ҳам иштирок этади. Ҳарбий тиббиёт ходимлари ҳам худди шундай. Улар ҳарбий хизматчилар саломатлигига камарбаста бўлиш билан бирга, кези келганда халқимиз саломатлигига муносиб таянч бўла олади. Бунини айна дамдаги эпидемиологик ҳолатда ҳам кузатиш мумкин.

Коронавирус эпидемиясига қарши курашга ҳарбий тиббиёт вакиллари ҳам жалб этилди. Улар юртимиз бўйлаб дезинфекция-профилактика ишларида фаол иштирок этади. Айна пайтда ҳам ҳарбий тиббиёт ходимлари пандемияга қарши курашда ўз билим ва салоҳиятларини куну тун намоиш этмоқда.

Албатта, бир мақола орқали Марказий ҳарбий клиник госпиталь фаолиятини ёритиб бериш мушкул. Сўзимизни мухтасар этган ҳолда, ҳарбий тиббиёт фидойиларини касб байрамлари билан муборакбод этамиз. Тилагимиз – тенгсиз ва бебаҳо хизматлари ҳамини эътироф топсин!

3. НОСИРОВА



Оқ халатлар ҳақидаги илк маълумотлар XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. 60-йилларда англиялик жарроҳ-гигиенисти Жозеф Листер антисептика назариясини ишлаб чиқиб, яраларни даволашда карбол кислотасини ишлата бошлади. У оқ халатлар антисептик хусусиятларга эга деган фикрни ҳам илгари сурди. Бу назария атрофида жуда кўп тортишувлар бўлган. 1918-1919 йилларда Европада «испан гриппи»

авж олиб, миллионлаб одамлар ҳалок бўлганида, оқ халатлар тиббиёт ходимларининг ўзига хос белгисига айланди.



монд-стрит шифохонаси 4-ўринда. 5-ўринда Гарвард тиббиёт мактаби (АҚШ). Рейтингда, шунингдек, Лос-Анджелесдаги Седарс-Синай тиббиёт комплекси, Хаим Шибат тиббиёт маркази (Исроил), Мюнхен университети клиникаси ва Шарите тиббиёт мажмуаси комплекси (Германия), Гачон университетининг Гиль шифохонаси (Жанубий Корея) қайд этилган.

ichilovtop.com сайти маълумотига кўра, дунёнинг энг яхши шифохоналари рейтингини Исроилнинг Ихиллов ва Ассута тиббиёт марказлари бошқармоқда. Бу ерда ҳатто жарроҳ-работлардан ҳам фойдаланилади. АҚШдаги Жонс Хопкинс клиникаси рейтингда 3-ўрин. Лондондаги болалар касалликларига ихтисослашган Грейт-Ормонд-стрит шифохонаси

ЭЪТИРОФ

# ҚАТЪБИЯТ ЎЗ СЎЗИНИ АЙТГАН КУН

Тиббиёт соҳаси, шифокорлар фаолияти ҳақида сўз юритиш қанчалик осон кўринса, шу қадар залворли ҳам. Негаки, шифокорлар билан суҳбат чоғида соҳанинг ичига кириб борганингиз сари унинг заҳмат юки қай даражада теран эканини ҳис қиласиз. Шу сабаб, икки соҳа ходимларининг касбига «посбон» сўзи қўшиб айтилади. Бири Ватан посбонлари бўлса, иккинчиси саломатлик посбонларидир. Яъни ҳар икки соҳада ҳам бедорлик, машаққат, кураш, энгилмаслик ва асраш деган бурч масъулияти мужассам.

Беморнинг саломатлигига қасд қилган, жонига кўз тиккан дард лашкари билан курашиш осон эмас. Бунда билим, тажриба, фидойилик энгилмас қурол ҳисобланади.

## ҲАРБИЙ ОИЛАНING ШИФОКОР БЕКАСИ

Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кирган Гулнозахон тақдир риштаси ҳарбий йигит билан боғланишини кутмаган бўлса керак. Ҳарбий соҳа вакили билан оила қуриш, ҳаёт йўлидаги синовларга, ўзига хос заҳматларга тайёр турмоқ дегани. Шундай бўлди, бўлажак шифокор «эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда», деган нақлга амал қилиб, турмуш ўртоғи Шайдулло билан Россиянинг Архангельский шаҳрига йўл олди. Ўқишини ўша ердаги тиббиёт институтида давом эттирди. Орадан бир йил ўтиб, мустақиллигимиз шарофати ила эр-хотин юртга қайтишди.

Термиз, Тошкент, Самарқанд, Бухоро... Ҳарбий оилаларга хос яшаш тарзи Гулнозахонни терапевт, яъни ички касалликлар шифокори сифатида Термиз ҳамда Қарши ҳарбий госпиталларида фаолият юритишга, тажрибали шифокорлар сафидан жой эгаллашига замин яратди.

Аёл кишига касбида ўрин топиш осон эмас. Бу бекалик вазифаси, рафиқалик бурчи ва ўз навбатида оналикнинг заҳматли масъулияти билан узвий боғлиқ. Йиллар давомида оилани бирин-кетин чароғон этган уч ўғлон – Шехрўз, Шохрух ва Шохжаҳонларни соғлом улғайтириш учун Гулнозахон тунларни тонгга улади. Турмуш ўртоғининг муҳаббатига таянган ҳолда бир қўлида оиласи, бир қўлида сеvimли касбини маҳкам тутди. Албатта, ҳарбий шифокорлар сафидан



бўлишининг ўзига хос талаби бор. Буни тажрибали шифокор куйидагича таърифлайди:

– Ҳарбий соҳа вакиллари ҳарбий низом талаби асосида фаолият юритгани каби, ҳарбий шифохонанинг тиббиёт ходимлари ҳам «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом қарорига қатъий риоя қилган ҳолда иш олиб боради.

Биз Гулнозахонни терапевт шифокор сифатида фаолият юритганига урғу бериб ўтдик. У айни дамда Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг малакали кардиолог шифокорларидан бири.

## ҲАРАКАТ, ҚАТЪБИЯТ, ИШОНЧ

Келинг, Гулнозахон Қурбонваннинг фаолияти ҳақида тўхталишдан аввал, унинг соҳа йўналишини ўзгартиришга сабаб бўлган воқеа хусусида гапириб ўтаемиз.

Қўчқор ака билан Мақсадой опа ўн бир нафар ўғил-қизни вояга етказди. Барча фарзандларини олий маълумотли бўлишига замин яратди. Агроном, шифокор, ўқитувчи, мураббия, ҳисобчи... Барчалари эл хизматида, ҳаётда ўз ўрни, севган касби бор. Аммо оиланинг уч забардаст ўғлони бир хил юрак хасталиги билан орқама-кетин оламдан ўтди...

– Тўхли акам шифокор эди, бироқ юрагидаги ўзгаришни сезмаган, – ўша дамларни маънос эдга олади Гулнозахон. – Чунки тўсатдан ўлим ҳолатига олиб келувчи, «тўсатдан коронар ўлим» деб номланувчи бу юрак хасталиги сезилмас касаллик ҳисобланади. У юракни ушлаганида оз фурсат ичида беморга ёрдам беришининг иложи бўлмайди. Фақат касалликнинг олдини олиб, даволашгина самара бериши мумкин. Абдували, Ҳусанжон акаларим ҳам... Бу айрилиқ менга нафақат сингил, балки шифокор сифатида қаттиқ таъсир қилди. Наҳот, шунча йил тиббиёт илмини ўрганиб, акаларимга ёрдам бера олмадим, деган армон соҳадаги йўна-

лишимни ўзгартиришимга сабаб бўлди. Олдимга қатъий мақсад қўйдим: «Албатта кардиолог шифокор бўламан!»

Кутганимдек қаршиликларга учрадим. Ички касалликлардаги ўн йиллик фаолиятимдан сўнг, бу қарорга келишим эътирозларга сабаб бўлди. Бироқ аҳдимда қатъий турдим, чекинмадим, интилдим ва мақсадимга эришдим. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига юборишди. Ўқидим, малака оширдим, юрак хасталиги сирларини эгаллашга астойдил ҳаракат қилдим.

Дарҳақиқат, қатъий ният қилган, эзгу ҳаракат ила интилган инсон ноумид бўлиб қолмайди. Тиббиётнинг барча йўналиши билим, малака ва албатта, ҳушёрлик талаб этади. Аммо юрак ҳақида сўз кетганда...

Бу борада малакали кардиолог Гулнозахон Қурбонваннинг фикри қандай:

– Юрак инсон организмидаги ўз ўрнида кучли, ўз ўрнида эътибор талаб этадиган орган ҳисобланади. Негаки, у ҳамма аъзо ва тўқималарнинг иш жараёнида фаол қатнашади, қон билан таъминлайди, энг катта вазифани ўз зиммасига олади. Бу дегани, аъзоларни кислород ва микроэлементлар билан таъминлайди, энергия беради. Организмнинг ҳимоя функциясини яхшилади. Шу сабаб, ҳар бир инсон юрагига эътиборли бўлиши керак. Йилига икки марта профилактик текширувлардан ўтиши, агар юрагида ўзгариш сезса, кечиктирмай, дарҳол шифокорга мурожаат қилиши, муолажа олиши зарур. Юрак хасталигини вақтида даволамаслик, ортга қайтмас асоратларга олиб келиши мумкин.

– **Ҳамма касбда бўлгани каби тиббиётда ҳам устоз-шогирд анъанаси муҳим аҳамиятга эга. Устоз кўрган шогирд касбининг устаси бўлади, дейишади. Устозларингиз ҳақида тўхталсангиз.**

– Дастан, етук шифокор Эльмира Жавдатовнадан ички касалликларнинг даволаш сирларини ўзлаштирганман. Ҳарбий шифохоналардаги фаолиятим давомида истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги Баҳодир Оққўзиев ҳамда Жўракул Мамадалиев устозлик қилишди. Улар ҳар томонлама суюнса бўладиган билимдон, бағрикенг устозларим бўлган.

Кардиология йўналишида эса катта тажрибага эга тиббий хизмат полковниги Бахтиёр Муҳитдиновдан юрак касалликларини даволаш бўйича кўп сабоқ олдим. Айни дамда ҳам улардаги катта билим ва тажрибани ўзлаштиришга ҳаракат қил-япман.

## СИНОВЛАРДА СИНАЛГАН ЖУФТЛИК

Истеъфодаги подполковник Шайдулло Раджабов билан Қуролли Кучлар хизматчиси Гулнозахон Қурбонваннинг оила қурганларига 30 йил бўлди. Биргаликда кечган тоғдек синовлар: ўзга юртлар, ўзга гўшалар, турли шароитлар, янги хизмат жойлари, яқинларга интиқлик...

Ҳа, ҳарбий оила бекаларини кўп синовлар қарши олади. Айниқса, болалар билан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишнинг ўзи бўлмайди. Қаерда истиқомат қилишмасин, хонадонни ҳарбий оила нуфузига хос асраш, ҳар гал таълим даргоҳи, устозлари ўзгарган ўғил-қизларига таянч бўлиш, соҳаси бўйича фаолият юритиб, янги жамоада ўрин топиш ўзига хос куч ва ирода талаб этади. Бундай ҳолларда эр-хотиннинг иноқлиги, бир-бирини тушуниши муҳим. Бу борада синовларда синалган жуфтликнинг бир ёқадан бош чиқарганига шубҳа йўқ.



Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»

МАТОНАТ

# «БРОНЕЖИЛЕТ» остидаги изтироблар

(Онамнинг кундалигиндан)

“ Онам кундалик ёзишни ёқтирадилар. Мен эса, уни ўқишни. Кундалик дафтарининг ҳар бир саҳифасига кўз югуртирар экансиз, ундан бошингизни кўтара олмай қоласиз. Хотиралар олис болаликка етаклайди. Ана, олма шохига осилиб тебранаётган арғумчоқ, ундаги сочлари кўнғироқ қизалоқ тиззасига ўзи тенги қўғирчоғини ўтказиб олган, уч боланинг ўртасида ана ол, мана ол бўлавериб, сўнгра атиргул тиконига санчилиб ёрилиб ётган коптоқ, нам қоғозга ўраб чўққа кўмилган беҳи қабоб. Сиз чўққа кўмилган беҳидан татиб кўрганмисиз? Шираси тилни ёраман дейди.

Бу хотираларни қанча ўқисангиз шунча қизик, ҳар бирида йил, ой, сана, вақт аниқ кўрсатилган.

Айтмоқчи бўлганларим булар эмас, мени қайта-қайта ўқишга ундагани бу бошқа хотира.

\*\*\*

Кузнинг сўнги кунлари, негадир дадамизнинг ҳар доимгидан шашти пастроқ. Ўн гапириб, юз куладиган одам, индамас бўлиб қолган. Ҳеч қачон оғриқ нималигини билмаган, дардга бўйин бермаган, бир умр меҳнатда зуваласи пишган одамни касал бўлади дейишса, ишонмас экансан. Оёғи куйган товукдай питирлайман, бир-икки одамдан маслаҳат олдимда, қўшни тумандаги шифохонага бордик. Шифокор ташхисига кўра, қон айланиш тизими бузилиши натижасида қон босими ошиши кузатилаётган, танадаги ортиқча вазн сабаб, касаллик юракка ҳам ўз кучини кўрсатаётган экан...

Оҳ.. Бошқа ёзолмайман.

**2019 йил 12 ноябрь, 19:45.**

**Мақсудахон Аҳророва**

\*\*\*

Этни жунжиктирадиган совуқ, ҳали қиш бошланмасдан шунча-я. Уйга кирарман, ҳовлига чиқарман, ойдин кеча юлдузлар жимирлаб хаёлларимни тўзғитади. Яхши ўхлай олмайдим. Ўрним тош, ёстиғим тош. Фикри хаёлим ўзимда эмас, сўфи азон айтмай туриб, нонушта тайёрладим. Тонг уйқуга тўймаган чақалоқдек керишади, бу туришда кун қачон ёришади. Шошаман. Тезроқ шифохонага боришим керак. Гўёки уйим эмас, қалбим хувиллаб борябди. Юрагимни кимгадир ёзгим келади. Ёлғиз қизим мусофир юртларда, ҳозир у ҳам ишга кетиш учун тайёргарлик кўраётгандир. Давлат хизматидаги одамни фикрини бўлиб, нима қиламан.

**2019 йил 13 ноябрь, 05:45.**

**Мақсудахон Аҳророва**

\*\*\*

Авваллари шифохонага боришни ёқтирмас эдим. Негадир йўлаклардаги сокинлик, руҳни ҳам фалаж қилиб қўяётгандай туюларди. Бирор кимни кўргани борсам, боришимдан қайтишим тезроқ бўларди. Нажот излаб келганинда эса, бу муҳитда илиқлик бордек туюлар экан. Сукунат ва сокинлик ортида ҳам жозиба бўлишини бугун сездим. Руҳ оромда, тана оромда. Рўзғор, оила ташвишларидан узилган йўлак. Беморлар хонасининг қия очик эшиги.

Мана дадамизнинг кўзидаги таниш табассум. Энтикиб кетдим, томоғимга нимадир тикилди, мен-мен, мана шу табассумни йўқотиб қўйдим, деб кўрқиб кетгандим.

– Сўфини уйғотишга турдингизми дейман, онаси.

Хонадошлар тоза ҳаводан нафас олишни баҳона қилиб, бирин-кетин йўлакка чиқиб кетишди.

– Ухлалмадим.

– Уйга қайта қолай унда....

Ҳеч қачон ўзи ҳақида эмас, фақат мен ҳақимда ўйлайдиган ҳокисор инсон...

**2019 йил 16 ноябрь, 18:45.**

**Мақсудахон Аҳророва**

\*\*\*

Тонгда, танамда лоҳаслик ҳис қилдим. Бошим ўзимники эмас. Туришга ҳаракат қиламан дейману кимдир елкамдан босиб, қайтадан ётқизиб қўяётгандай. Қулоғим остида тешик калонка ғувиллаётгандай, гўё. Яна қанча шундай ётдим, билмайман. Бир амаллаб кўк чой дамлаб ичдимда, қўлимга илинган нарсаларни олиб, яна шифохонага йўл олдим.

Эшик олдида ҳамшира қиз суюнчи сўради. Амаким отдай бўб қолдилар, хола! Ҳозир газета олиб кириб бердим. Ўқиябдилар. Хайрият, газета ўқиш юракларига сиққан бўлса, ростдан ҳам яхши бўлиб қолибдилар. Ҳамшира қизнинг сўзлари далда бўлдим, беморлар хонаси томон юрмай, бош шифокор хонаси томон йўл олдим.

– Ҳорманг, Алимжон.

– Ассалому-алайкум, келинг холажон!

– Сизга миннатдорчилик билдириш учун киргандим. Амакинги анча яхши бўлиб қолибдилар!

– Амаким яхши бўлиб қолдилар-у, ўзингизни соғлигингиз яхши эмасга ўхшайди. Қани, сизнинг қон босимингизни ўлчаб қўяйлик-чи! Холажон кунда қатнаб нима қиласиз, жойларимиз бор, шу ерда қолиб, қувватни тиклаб олақолинг. Нима дедингиз?

Аслида уйимдан бошқа жойда бир кун ҳам қолмайдиган инсон иложсиз рози бўлдим.

Ҳавотир ва саросима ўз кучини кўрсатган, ўзим ҳам жисмимда руҳий толиқиш борлигини сезиб турардим.

**2019 йил 19 ноябрь 10:05.**

**Мақсудахон Аҳророва**

\*\*\*

Бир жойда ётсанг ортингга қарашга, ўтган ҳаёт йўлингни сарҳисоб қилишга вақтинг кўп бўлар экан. Хаёл чархпалаги 39 йил ортга айланиб кетди. 39 йил олдин тақдир менга тухфа қилган бойлигим. Умр йўлимдаги шамчироғим, суюнган тоғим мен учун қанча ҳаёт синовларига чидаб берган инсон. Жаннати инсон. Сиз мажбур эмас эдингизку, била туриб оиласида ўғил йўқ, ота-онаси қаровга муҳтож қизга уйланишга. Ёшлигингизнинг энг чиройли дамларини, қарилик инжиқликларини қўлига дастак қилиб олган, чол-капирнинг эркаликларини кўтариб юриш учун қурбон қилишга...

**2019 йил 20 ноябрь, 05:00.**

**Мақсудахон Аҳророва**

\*\*\*

Эрталабки текширувга кирган шифокор, «амакимга эрта-индин жавоб берилади, сиз яна бир-икки кун қоласиз, холажон», дейишини эшитдим-у, устимдан муздек сув қуйилгандек, сесканиб кетдим.

– Вой, йўқ! Мен отдайман, амакинги билан бирга жавоб бериб юборавинглар.

Ўзимни ростдан ҳам яхши ҳис қилаётган эдим. Тушдан сўнг бош шифокор кирди. У ёқ бу ёқдан анча гаплашиб ўтирдик. Оиласи, ота-

онаси, талабалик йиллари, устозлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ёш бўлишига қарамай ақлли, зеҳни теран, йигит. Андижон давлат тиббиёт олийгоҳини тамомлаган экан. Устозим бизга шифокорнинг энг асосий даволаш формуласи самимият ва энг биринчи берадиган дориси ширин сўз деб ўргатганлар. Ўзлари ҳам жуда самимий инсон. Қўли энгил кардиолог. Устознинг изидан етиш учун, ў-хў ҳали бизга йўл қанча.

– Яхши шогирд фарзанддан аълодир, деган доно халқимиз. Қани энди ҳамма шогирдлар ҳам устозларига шундай эҳтиром кўрсата олса....

**2019 йил 21 ноябрь, 17:40.**

**Мақсудахон Аҳророва**

\*\*\*

Бугун шифохонадан жавоб беришди. Ҳужжатларни олиш мақсадида яна бош шифокор хонасига кирдим.

– Умрингиздан барака топинг, амакинги отдай қилиб бердингиз-а, болаларни безовта қилмай деб, уларга даданг касал деб айтишга иймандим, айтишга-айтмадим, ўзим ишқилиб соғайиб кетсин деб, ич-этимни едимда.

Бир гап бўлса, болаларимга нима дейман деб...

**2019 йил 22 ноябрь, 15:30.**

**Мақсудахон Аҳророва**

\*\*\*

Кундаликнинг шу жойини қайта-қайта ўқийман:

– Умрингиздан барака топинг, амакинги отдай қилиб бердингиз-а, болаларни безовта қилмай деб, уларга даданг касал деб айтишга иймандим, айтишга-айтмадим, ўзим ишқилиб соғайиб кетсин деб ич-этимни едимда.

Бир гап бўлса болаларимга нима дейман деб...

Мажолсиз кундаликни ёпаман. Яна ўқишга кучим етмайди. Ўқиганларим хотира эмас, эртакдай гўё.

Ота-онам ҳеч қачон касал бўлмаган, мен ота-онамни кўриш учун ҳеч қачон шифохонага бормаганман. Менинг ота-онам темир одамлар, деб юрганмидинг?! Ҳа, сенинг ота-онанг темир одамлар, тўрт фарзандни оёққа қўйиш учун меҳнатдан қаварган елкаларидаги чандиқлар кўринмаслиги, юракдаги соғинчлар, изтироблар фарёди эшитилмаслиги учун «бронезилет» тақиб олган, темир одамлар!

Баъзан ҳаётда шундай ишлар бўладики, сенинг ўрнингга бошқа бир инсонлар яқинларингга ёрдам қўлини чўзади, далда бўлади, меҳр кўрсатади.

**Кичик сержант  
Дилнозахон СУЛАЙМОНОВА**

## КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

Болаликда ҳайратнинг кўзлари катта бўлади, деган эди бир доно одам. Қанчалар ҳақ экан, у, доно одам. Ўзим ўқиган мактаб кутубхонасига бир неча ўн йил берисидан туриб назар ташлайман: ҳаворанг бўёқлардан янада қалинлашган эшик, лой аралаш қор ёпишган остона, ним қоронғи тор кириш жойи, яна бир эшикдан сўнг чоғроқ хона. Кутубхоначи опанинг стол-стули китоблардан энсизгина доска билан тўсилган. Жуда оддий китоб жавонлари, китоблар. Бор-йўғи шу. Аммо... Сиз бу даргоҳга менинг болалик кўзларим билан боқсангиз эди! Кутубхона эди бу ер. Мактаб буфетига тақалган бўлса ҳам алоҳида эшиклар бор, деразалари кааатта, иккинчи эшигидан киришингиз билан ҳаммаёқ ёришиб кетадиган, киришдан чап томонда қўл етмас баланд токчаларда аллатовур, зарҳалми-ей, катта-катта сирли китоблари бор файзли бир макон. Ўша китоблар ҳамон кўзларимда қолган. Чунки мен уларга неча бор ҳавасланиб, ҳайратланиб термилганман. Бир куни кутубхоначи опадан сўрадим:

– Бу китобларни бошқа китоблар ёнига қўйсангиз бўлмайми?  
– Деярли ҳеч ким сўрамайди, шунинг учун тепада тургани маъқул.  
– Нега ҳеч ким сўрамайди, масалан, менга бу китоблар жуда ёқади.  
– Рус тилида ўқирсан-ку бироқ тушунишингга кўзим етмайди.

...  
– Катта қисми рус классикларидан. Классик деган сўзни тушунмадим. Уч ё тўртинчи синф ўқувчиси бу сўзни қаердан ҳам биларди. Барибир ўша китоблардан кўнгили узолмай сўрадим:

– Бирортасини қўлимга олиб кўрсайдим... Кутубхоначи опа кулиб юборди ва тепадан бирини олиб берди.

Дунёнинг буюк бир мўъжизасини қўлимда тутгандек севишим. Ва ўқидим: Жек Лондон. Ҳеч нарса тушунмадим. Аммо бу жарангдор сўз (ўша пайтда бу улкан адибнинг номи эканлигини билмасдим) ёдимда муҳрланиб қолди.

Ушандан кейин орадан уч-тўрт йил ўтиб китоб дўконларида Жек Лондоннинг ўзбек тилига чевирилган асарлари пайдо бўла бошлади. Севинчим зиёда бўлди. Ўсмирлик йилларимнинг беагаи, нурафшонлиги, файзи бўлган китобларим орасида Жек Лондон асарлари алоҳида ўрин тутди.

Азиз ўқувчи, бугун сизга сеvimли адибимнинг «Мухаббат ва матонат» ҳикоялар тўпламини тавсия этмоқчиман. Ёзувчи асарлари билан танишишдан аввал унинг ушбу китобга киритилган «Кўрган-кечирганларим» деб номланган эссесини ўқиб чиқсангиз маъқул бўларди. Ишонманки, «Кўрган-кечирганларим»дан сўнг сиз уни янада яхшироқ англайсиз, қахрамонларини яқиндан танийсиз.

**Адиб унда ёзган эди:** «На туғишганларим, на ёр-дўстларим адабиётга тарикча ҳам қизиқмасдилар.

Болалик чоғларимдаёқ мени одамларнинг жаҳолат ботқоғига ботганлиги ҳайратга соларди. Тўққиз ёшимда Вашингтон Ирвингнинг «Ҳамро»сини зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим ва ранчодагилардан биронтаси бу китоб ҳақида билмаслиги ҳеч ақлимга сиғмасди. Вақт ўтиб, бундай жаҳолат фақатгина қишлоғимизда ҳукм суради, шаҳарда эса ҳаёт умуман бошқача бўлса керак, деган хулосага келдим. Шундай қилиб, бир куни ранчомизга шаҳардан бир киши келди. Бошмоқларига қарасангиз, юзингизнинг аксини кўришингиз мумкин, эгнида

# ЁҒДУ СОЧГУВЧИ УЧАР ЮЛДУЗ

Истардимки, ҳаётим учқуни чақмоқ мисол чақнасин, бир овлоқ тепа устида сўнмасин. Карахт ва қотиб қолган сайёра бўлгандан кўра, ҳар бир атоми ёғду сочгувчи учар юлдуз бўлишни маъқул кўраман. Инсон шунчаки кун кўриши керак эмас, чинакамга яшаб ўтмоғи лозим.

Жек Лондон



мовут пальто. Маърифатли киши билан суҳбат қуришининг айна вақти, деб ўйладим. Шаҳарлик меҳмонни ўзимнинг «қасримга» – эски, ярим вайрона кулбамага таклиф этдим ва ундан «Ал-Ҳамро» ҳақида сўрай бошладим. Ҳайҳот, у ҳам ранчо аҳолиси каби жоҳил бўлиб чиқди. Шунда дунёда иккитагина оқил одам бор, улардан бири – Вашингтон Ирвинг, иккинчиси – мен, деган фикрга келдим».


Китобда адибнинг иккита эссеси келтирилган. Иккисида ҳам ибрат олишга арзирли ҳақиқатлар мужасам.

Илк бор адибнинг «Тун фарзанди» ҳикоясини ўқиган эдим. У менда кучли таассурот қолдирган. Унда тақдир ҳукмига бўйсунмаган жасур аёлни кўрасиз. Демак инсон ўз тақдирини ўзгартира олади. Китоблар орасида энг кўп ўқиладигани сўзсиз муҳаббат қиссалари бўлса керак. Чунки инсон «ҳамиша бир ҳисга асир экан».

«Тун фарзанди» ҳам муҳаббат ҳақида. Инсон баъзан энг қимматли нарсасини арзон баҳолайди. Айниқса, туйғуларни... Бу севги ҳикоясини соқол-мўйловига оқ оралаган, ялтирбош, кўзлари салқиган, лунжлари осилган, хўппасемиз Трифден сўзлаб берди. Аслида у ҳам қачонлардир навкирон, кўркам эркак эди. Қирқ етти ёшида мункиллаб қолган қарияга ўхшарди. Чунки ҳаётида муҳаббат йўқ эди. Унинг ҳаёти бошқача кечиши ҳам мумкин эди. Агар аёл муҳаббатини рад этмаганида. **Ўқиймиз:** «Қаранг, қандай гўзал жойлар. Бундан яхшисини тополмайсиз. Шу ерларда қолсангиз бўлмайми? Мен садоқатли рафиқа бўламан».

Изҳори дилнинг оддийлигини кўринг. Аслида ана шундай оддийгина дил розида кучли муҳаббат яширин бўлади.

Бу аёл ким эди? Унинг исми Люси эди. Ҳиндулар сардори, оқ танли сардор эди. **Яна ўқиймиз:** «Ҳаммаси шунчалар маънисиз эдики, – деди



шарди. Бу – Оқбалиқ дарёси соҳилларидан келган чол эди. Чолнинг кўрилаётган иши бутун Доусонни оёққа турғизди, нафақат Доусонни, балки оқим бўйлаб иккала томонга минглаб чақиримларга чўзилган Юкон ўлкасини-да жунбушга келтирди».

Бу ҳикоя... Бу ҳинду чолнинг иқрори. Бир неча оқ танлини нариги дунёга жўнатган қариянинг иқрори. Аслида эса бу ерда иқрордан ҳам кўра даҳшатли ҳақиқат бор. Бу ерда ҳинду қабилаларининг қай тариха таназзулга учрагани ва таназзул сабабчиси бўлган оқ танлиларга қарши қабилла оқсоқолларининг исёни акс этган.

**Келинг, «Оқсоқоллар иттифоқи»дан ўқиймиз:** «Йигит-қизларимиз оқ танлилар ортидан номаълум сўқмоқлару дарёлар ортига ғойиб бўлишарди. Қизларимиз ортага қайтишни минбаъд хаёлларига келтиришмас, қайтганлари ҳам Нода сингари дардманд, қаримсиқ бўларди. Яқинлари даврасига қайтган йигитларимиз эса хонадонларига сиғмасдилар. Саёхатлари давомида кўрслик ва бадфёълликдан ўзгасини ўрганишмаган, иблис сувига қўл бўлишган, куну тун қартадан бош кўтаришмасди; илк учраган келгинди чақириғи билан яна бегона ўлкаларга ошиқардилар. Катталарга ҳурматни унутишган, кишини менсимас, кўҳна урф-одатларимизни мазах қилишар, сардоримиз ва шомонимиз устидан кулишарди.

Оқбалиқ қабиласи тобора кучини йўқотар, заифлашиб борарди... Туғилиш кескин камайган, дунёга келган чақалоқлар ҳам дардчил эди. Келгиндилар биз ҳали дуч келмаган бошқа тушунарси хасталикларни олиб келдилар... биз касалликлар «шарофати» билан кузда увилдирини ташлагандан сўнг, яшашининг ҳожати қолмаган балиқ каби ҳалок бўлардик».

Мана, нима учун бу ҳикоя кўпчиликка маъқул келмади. Ёшлар билан қабиланинг кучи кетди, қадим урф-одатлардан узилиб, иблис сувига меҳр қўйишлари билан кўринмас устунлар дарз кетди.

Мен бу ҳикояни бугунимиз учун ҳам қимматли деб биламан. У сизу бизни ҳушёр тортириши керак. Бу ҳикоя учун сарҳадлар йўқдир.

Китобда яна бир қатор ҳикоялар борки, уларнинг барчасига тўхталиш имконимиз йўқ. Бу китобни ўқинг, фарзандларингиз даврасида ўқишга арзирли китоб. Олижаноб, мард, жасур, иродали эркаклар, жасоратда эркаклардан қолишмайдиган қалби дарё, беназир аёллар Жек Лондоннинг қахрамонларидир.

Ишонманки, Жек Лондон асарлари жавонингиздаги жавоҳирларнинг энг асилларидан бири бўлади.



Люси. – Кимга керак бунақа ҳаёт? Мен нима учун дунёга келдим? Наҳот яшашининг маъноси ишлаш, ишлаш ва яна итдек ишлаш бўлса? Ётганинда ҳам чарчаган бўлсанг, уйғонганинда ҳам чарчоқни ҳис қилсанг, кунлар бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш бўлса, бундан нима наф?


Мен беҳаловат, қувноқ ҳаётни, чиройли буюмларни орзу қилардим... Аммо хаёлимга тез-тез шундай фикр келардики, пешонамга бахт битилмаган, қисматим фақат пишир-қуйдиру қозон-товоқ ювишдан иборат. Айни дамда Жунода айш-ишрат авжига чиққан. Бошқа аёллар ўзларини қандай тутаетганларини кўрдим, лекин уларнинг ҳаёт тарзи заррача бўлса-да мени ўзига жалб эта олмади. Мен пок бўлишни истардим».

Люси қандай қилиб ҳиндулар сардори бўлди? У кундалик зерикарли ҳаётдан, пишир-қуйдиру қозон-товоқлардан қай тариха кутулди? Унинг муҳаббати нима бўлганига қизиқипсизми? Унда «Тун фарзанди»ни ўқинг.

Китобга Жек Лондоннинг «Оқсоқоллар иттифоқи» деган ҳикояси ҳам киритилган. Адиб шундай ёзган эди: «Ўзимнинг энг яхши асарларим деб «Оқсоқоллар иттифоқи» ва «Кэптон Уэсс мактублари»дан баъзи сатрларни айтишим мумкин. Айтгандай, «Оқсоқоллар иттифоқи» баъзи бировларга ёқмайди. Улар ёрқинрок, қувноқроқ асарларни афзал кўришади».

Албатта, буларни ўқиб туриб, адибнинг энг яхши асарини ўқишга қизиқиш ортади. Унинг барча асарлари қизиқарли. Аммо унинг ўзи энг яхши деб билган ҳикоя қандай экан? Бу оддий савол эмас, бу адиб ижодидан озгина бохабар инсон учун тийиксиз қизиқишдир.

**Ҳикоя шундай бошланади:** «Казарма биносида ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган бир одамни суд қили-



Инобат ИБРОХИМОВА,  
«Vatanparvar»



## БИТИРУВ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг офицерлар тайёрлаш курси навбатдаги битирувчиларини қўшинлар сафига йўллади.

# ИЛК ОФИЦЕРЛИК УНВОНИ МУБОРАК!



Мудофаа ва Фавқуллода вазиятлар вазирликларининг сержантлар таркибида контракт асосида хизмат қилаётган олий маълумотли ҳарбий хизматчиларининг битируви ва уларга илк офицерлик унвони топширилишига бағишланган тантанали маросим пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи» мажмуасида бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги масъуллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Хамдам Каршиев, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги кадрлар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари подполковник Шодиёр Бекмуродов жанговар сафларга қўшилаётган битирувчиларни қўтлар экан, Ватанимизнинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилишда уларга букилмас ирода, муваффақият тилади. Миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлик даражаси, мамлакатимиз хавфсизлигига раҳна соладиган ҳар қандай таҳдидларга қарши тура олиш қудрати унинг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан қанчалик таъминланганидан ташқари бевосита унинг таркибида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг юқори билими ва тажрибасига ҳам боғлиқлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан кейин Мудофаа вазири ҳамда Фавқуллода вазиятлар вазирининг тегишли буйруқлари ўқиб эшиттирилди, битирувчиларга бирма бир, қарсақлар остида сертификат ва «лейтенант» ҳарбий унвони топширилди.

Битирувчилар бир ярим ой давомида замон талаблари ва стандартлари асосида ишлаб чиқилган ўқув дастури бўйича энг илғор педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан, моделлаштириш ва симуляция воситаларидан фойдаланган ҳолда қўшинларни бошқариш, мураккаб қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани қўллаш каби бир неча йўналишларда сабоқ олдилар.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари



замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга ошириладиган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида, ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлган ҳарбий хизматчиларга раҳбар бўладиган битирувчиларнинг келгуси хизмат-

ларида куч-қувват ва омад тиладилар.

– Қисқа вақтда ҳарбий соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўқиб-ўрганишдан ташқари, бой тажрибага эга офицер ўқитувчилардан бўлинмаларни бошқариш, тактика ва стратегия, отиш тайёргарлиги ва жанговар машиналарни бошқариш,

шунингдек, бир қатор зарур фанлар бўйича таҳсил олдиқ, – дейди лейтенант Отабек Эшонкулов.

– Мен Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ матбуот хизмати бошлиғиман, – дейди лейтенант Шерали Эшқувватов. – Олий ҳарбий таълим муассасасида олган билим ва кўникмаларимиз хизмат вазифамизни бажаришда, аниқроқ айтадиган бўлсам, оммавий ахборот воситаларида қўшинлар фаолиятини ёритишда, ҳарбий касбни, Ватанимиз ҳимоячиларининг машаққатли хизматларини кенг тарғиб қилишда катта ёрдам беради.

Шу куни Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг офицерлар тайёрлаш курси машғулотида ҳарбий фан ва ҳарбий ишлар бўйича сабоқ олиб, илк офицерлик унвонига сазовор бўлган бир гуруҳ ҳамкасбларимиз Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти мутахассислари – лейтенантлар Бобур Эсонов, Ислоҳ Қўчқоров, Жаҳонгир Мадаминов, Тимур Мирзаахмедов, Руйиддин Бобомуродовни ҳам самимий табриклаймиз.

Муаттар МЕЛИЕВА



## ОГОҲЛИК

“ Фавқулдда вазиятлар вазирлиги томонидан ўтказилган сўнгги беш йилнинг ноябрь ойида республика ҳудудида содир бўлган техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлар таҳлилларига кўра, ушбу ойда йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган жами фавқулдда вазиятларнинг 45,6 фоизини ташкил этмоқда.



Йўл-транспорт ҳодисаларининг кўрсаткичи юқори бўлиши сабаби сифатида ҳайдовчиларнинг бир-бирига нисбатан ҳурматсизлиги, автотранспорт воситасини бошқариш вақтида ухлаб қолиши, бир-биридан ўзиб кетиши иштиёқда белгиланган тезликнинг оширилиши қайд этилмоқда. Юқорида қайд этилган кўрсаткич республикамиз ҳудудида 2020 йилнинг ноябрь ойида ҳам сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда.

Бундан ташқари, статистика маълумотлари шундан далолат берадики, республика ҳудудида ҳар йили ўртача 9-10 мингта йўл-транспорт ҳодисалари рўй беради. Уларнинг 2 мингдан ортиғи одамларнинг қурбон бўлишига олиб келмоқда.

Транспорт воситаларининг тезлигини ошириш, иштирокчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билмаслиги, шунингдек, менсимаслик мамлакат йўлларида рўй бераётган бундай фожиали статистиканинг асосий сабаблари ҳисобланади. Йўл ҳаракати қоидаларининг йўловчилар

томонидан бузилиши фақат уларнинг саломатлигига хавф солса, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг бундай хатти-ҳаракатлари ҳам ўзлари, ҳам йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари – бошқа транспорт воситаларининг эгалари, йўловчилар ва айниқса, пиёдалар учун оғир оқибатларга олиб келиши билан хавфлидир.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Йўл ҳаракати қоидаларининг 3-бандида «Йўл ҳаракати қатнашчилари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган

светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт», деб белгиланган. Мазкур қоидаларга мувофиқ йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тарихида бевосита иштирок этаётган шахс йўл ҳаракати қатнашчиси ҳисобланади.

Шуни инобатга олган ҳолда ўзимиз, яқинларимиз ва ён-атрофимиздаги инсонларнинг ҳаёти ва

соғлиғини сақлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида энг аввало, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқий ва йўл ҳаракати маданияти, зарур билимлари ва малакасини ошириш, интизомини мустаҳкамлаш, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилишини ва бирдамлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий хизматчилар ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлигига қатъий амал қилинишни таъминлаш борасида Мудофаа вазирлигида тегишли раҳбарий ҳужжатларга мувофиқ аниқ чора-тадбирлар тизими яратилган. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ҳарбий қисм ва муассасаларда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» ўтказилиши шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган рақамлар ва прогнозларни, шунингдек, олдимизда қиш мавсуми яқинлашаётганлигини инобатга олган ҳолда, шахсий таркиб билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ҳамкорликда сифатли ташкиллаштириш ва ўтказиш долзарбдир. Зеро, инсон ҳаёти ва саломатлиги буюк неъматдир, уни асраш эса бизларнинг бурчимиз.

**Қуролли Кучлар  
хизматчиси С. ФАТТООБ,  
Тарбиявий ва мафқуравий  
ишлар бош бошқармаси  
бўлими бош мутахассиси**

## ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

“ Тошкент вилоятида жойлашган Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисмда «Эр йигитнинг эр йигитга айтар сўзи таъсирли бўлади» шиори остида «Ҳарбий қисмдан олган таассуротларим» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



Аҳоли, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қибрай тумани кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда туман ички ишлар бошқармасида профилактик рўйхатда турган ёшлар иштирок этди.

Қурол-яроғ кўргазмаси билан бошланган тадбир ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги бўйича намойиш этган чиқишлари орқали давом этди. Мазкур спорт машғулотида меҳмонларнинг бевосита иштирок этишига ҳам имконият берилди. Кимдир тош кўтарган бўлса, яна кимдир чарм қўлқоп кийиб, рақиб билан боксга тушди. Бу эса ўртада самийиб мухитнинг пайдо бўлишига замин яратди. Ёшларнинг қиёфасида зоҳир бўлган мамнуният, миннатдорлик ҳисси фикримизнинг яққол исботи бўла олади.

Психологик тренинг, айниқса таассуротларга бой бўлди. Ҳа, руҳий дармоннинг шахс шаклланишидаги аҳамияти беқиёс. Инсон ҳаёти даво-

## Ўзига хос мактаб вазифасини ўтади

мида турли муаммоларга дуч келиши ва салбий воқеа-ҳодисалар сабаб, оғир руҳий кечинмаларни бошдан кечириши, кўп ҳолларда, айниқса, ёшлар руҳиятида шундай ўзгаришлар сабаб жиноятга қўл уриши ҳаётда кўп кузатилган. Мана шундай вақтда оғир руҳий ҳолатдан чиқиш учун қандай йўл тутмоқ керак? Руҳиятида салбий ўзгариш содир бўлаётган инсонга ақл-идрок, фаҳму фаросат қанчалик ёрдам бера олади? Тренинг давомида иштирокчилар шу каби саволларга ҳарбий психологдан батафсил жавоб олишди. Шунингдек, маърузалар давомида оммавий маданият ва унинг кўринишлари, бу иллатнинг миллий маънавиятимизга, урф-одатларимизга, қадриятларимизга бўлаётган салбий таъсири хусусида ҳам сўз борди. Намойиш этилган слайдлар ёшларнинг мавзу бўйича етарлича маълумотга эга бўлишларига замин яратди.

– Экскурсия ёшларга манзур бўлган бўлса, биз ўз мақсадимизга етган бўламиз, – дейди катта лейтенант Шоҳрух Маҳмудов. – Ёшларнинг таассуротлари билан қизиққанимизда улар илиқ фикрлар айтишди. Бу каби маънавий тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилишини таъкидлашди. Қувонч, мамнуният, ҳавас, ҳайрат... Сўз билан таърифлаш мушкул. Фақат бу ўзгариш ижобий томонга эканлиги биз учун икки карра қувончли. Бундан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кун ёшлар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтади.

**Г. ҲОЖИМУРОВА**

## ҚУТЛУҒ САНАДАГИ ТАНТАНА



Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмлардан бирида қисм ташкил топган санага бағишланган байрам тадбири ўтказилди. Унда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Қуролли Кучлар фахрийлари ва бошқа меҳмонлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар шахсий таркибни қўтлар экан, юртимизнинг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ва ғаразли уришларнинг олдини олиш ва бартараф қилишдек ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни адо этишда миллий армиямиз қудратининг аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

– Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти ҳарбий хизматчиларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим, – дейди ҳарбий қисм командирининг ўринбосари подполковник Б. Исламов. – Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни ҳеч қачон пасайтирмаймиз.

Тадбир давомида хизмат фаолияти давомида жонбозлик ва намуна кўрсатаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчи ва Қуролли Кучлар хизматчилари тақдирландилар. Ватанпарварлик руҳидаги ранг-баранг қўшиқлардан иборат концерт дастури тадбир иштирокчиларига янада кўтаринкилик бағишлади.

**III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ**

## ТАЪЛИМДА ТАРБИЯ

## ОДОБ ЧЎҚҚИСИДАГИ БОЛА

“ Ўтган йили синфимга ҳарбий оиланинг фарзанди келди. Янги ўқувчини барчамиз илиқ кутиб олдик. Аммо кунлар ўтгани сари бу ўқувчимнинг синфдошларига қўшила олмаётганини кузатиб, сездим.

Тўғрида, 1-синфни бошқа мактабда, 2-синфни яна ўзга таълим муассасасида ўқиғач, айрича муҳит, янги устоз ва ўқувчиларга мослашиш қийин. Ҳарбий хизматчилар касбий мажбурияти туфайли доим ҳам бир жойда яшай олмайди. Ойлар ўтди, лекин ўқувчимда ижобий ўзгариш кўрмадим. Аксинча, тенгқурлари янги келган ўқувчи устидан шикоят қила бошлади: у ўртоқларини менсимайтган экан. Ҳадеб, менинг буним бор, дадамни униси бор, деган ваз-қарсонларини эшитдим. Бола-да, айниқса, бошланғич синфда болалар жуда мақтангиси келади, дея жиддий эътибор бермадим. Сўнг у айрим фанлардан кирадиган ўқитувчиларнинг дарсларида бақариб, гап қайтараётгани қулоғимга чалинди. Бу ҳам етмагандек, чақимчилик одатини чиқарди. Ўртоқлари у билан ўйнамас, у ҳам ёлғиз юрар эди.

Мурғак қалб эгасида шунча манманлик қайдан пайдо бўлди? Бу ҳол мени ташвишга солди. Ота-онасини бўш вақтида мактабга чақариб, бўлган барча воқеаларни сўзлаб бердим. Улар

ҳам фарзандининг бундай ҳолатидан ҳайратда эди. Нима қилиб бўлса ҳам, жигаргўшасини тўғри йўлга солиш учун тайёрлигини билдирди. Аммо иккови ҳам кун бўйи ишда бўлгани боис, боланинг феъл-атворидаги одатни бартараф этишни мендан илтимос қилишди.

Кўп ўйладим. Нима қилсам, уни бу вазиятдан олиб чиқаман? Аслида ўқиши, ўзлаштириши ёмон эмас. Ёзувлари жуда чиройли. Ўйлай-ўйлай, синфимда одоб бурчаги яратдим. Унда синфимдаги барча ўқувчиларни кичик суратларини олиб, мазкур бурчагимнинг энг юқори қисмига бир қатор қилиб ёпиштириб чиқдим ва ўқувчиларга бунини «Одоб чўққиси» деб таништирдим:

– Болажонлар, мана, ҳаммангизни одоб чўққисининг энг юқори қисмига жойладим, чунки мен сизларни жуда ҳам одобли, деб биламан. Лекин чинакам одобли болани топиш учун бугундан бошлаб сизларни кузатаман. Агар кимда-ким одоб доирасидан четга чиқиб, номаъқул гап, сўз айтса ёки ноҳўя хатти-ҳаракат қилса, кўриб турганингиздек, бир поғона пастга тушаверади. Буни ҳар ҳафта якунида таҳлил қилиб, натижасини кундалигининг «хулқи» деган жойига ёзаман.

Биринчи ҳафтада, тахмин қилганимдек, янги келган ўқувчим бир зина пастлади. Баҳолари аъло бўлса-да, хулқидан қуйи, ўртоқлариники эса «намунали» эканини кўриб, ўйга чўмди. Иккинчи ҳафтада у чақимчиликни камайтирди. Ҳатто танаффусга ҳам чиқмай, навбатчи бўлмаса ҳам тинмай доскани артадиган, дарсда жим ўтириб, китоб ўқийдиган одат чиқарди. Устозлари эса «Дарсларда шўхлик қилмай, фаол қатнашяпти» деб, уни мақтади. Ўзи доимгидек китоб ўқир,



гоҳида кўзини қири билан менга қараб қўяр эди. Шу тариқа у ўша ҳафтада умуман пастламади. Устозларини ҳурмат қилар, ўртоқлари билан тортишмас эди. Кейинги ҳафта якунига келиб, у ҳам хулқидан «намунали» деган алқов олди. Кўзларидаги севинчли кўрсангиз эди. Бўлар экан-ку?! Ҳар гал сурати шахмат катакларига ўхшаш поғоналардан пастга тушаётгани, ўртоқларидан ортда қолаётганини кўрган ўқувчи ўзига хулоса қилди. Боланинг қалбида ўртоқлари, устозлари, яқин-атрофдагиларга нисбатан меҳр туйғуси уйғонди.

Ўқув йилининг III чораги якунланди. Бир кунги ўша ўқувчимнинг онаси мактабга келиб, яна бошқа жойга кўчаётганини маълум қилди. Ўша ўқувчимнинг кўзига боқсам, синфхонадан кетгиси келмай, менга жавдираб турибди. Беихтиёр кўзларим ёшланди.

Шаҳзода ЙЎЛДОШЕВА,  
Чуст туманидаги 31-мактабнинг  
бошланғич синф ўқитувчиси

## ҲАРБИЙ ПСИХОЛОГИЯ

“ Жангчи қачон жангга тайёр бўлади, деб ўйлайсиз? Бу саволга ҳар ким турлича жавоб бериши тайин. Ҳа, жавоб вариантлари ичида «жангчи жисмонан бақувват, маънан етук бўлсагина» деган жавоб бўлиши тайин.

ЖАНГЧИ ҚАЧОН  
ЖАНГГА ТАЙЁР БЎЛАДИ?

Хўш, жисмонан бақувватлик тушунарли, маънан етуклик-чи? Бу кўпроқ инсон психологияси билан боғлиқ жараён. Яъни жангчи қанчалик бақувват, девкелбат бўлмасин, психологик жиҳатдан жангга тайёр бўлмаса, ғалаба ҳақида ўйламас ҳам бўлади.



Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги қўшинларида жанговар тайёргарлик билан бир қаторда психологик тайёргарлик жараёнларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Ахлоқий-руҳий тайёргарлик кунини муносабати билан VI босқич курсантлари иштирокида «Шахсий таркибни жанг шароитига психологик тайёрлаш» мавзусида машғулот ўтказилди. Машғулотни Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Бекзод Тиловов олиб борди.

– Бу каби ўқув машғулотларида ҳарбий хизматчилар реал ҳолатларда дуч келадиган вазиятларни бартараф этиш, стрессларни самарали енгиш, жанг шароитида эътибор қаратиладиган муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди, – дейди курсант Самандар Раззоқов. – Интерактив усулда ўтказилаётган машғулотлар эҳтимолий вазиятларга тайёрлаб бормоқда.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ

## БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС

ЭРТАМИЗ ЭҒАЛАРИ  
ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

“ Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланиш, маданият ва санъат, спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш, китобхонлик ва китоб мутолаасига самарали жалб этиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти Кенгаши ва Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги ҳамкорлигида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан ёшлар марказида ҳарбий хизматчилар ва ўқувчи ёшлар иштирокида «Китобхонлик – миллат кўзгуси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Қайд этиш жоизки, инсон тафаккури ва камолотининг манбаи бевосита китоб билан боғлиқдир. Ҳар бир миллатнинг маънавий-руҳий олами, дунёси унинг китобга муносабати билан ҳам ўлчанади. Шу боис ҳам юртимизда аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўзга чиққанлар бугунги кунда китоб нафақат ёшлар учун, балки бутун жамият учун энг керакли тафаккур қаноти эканлигини таъкидлашди.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар ва ўқувчи ёшлар иштирокида «Мен севиб ўқиган шеър» мавзусида шеърят кечаси ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар ва ўқувчилар томонидан ўзбек шоирларининг Ватан туйғуси, ватанпарварлик, она меҳри, дўстлик, табиат гўзалликлари акс эттирилган шеърлари ўқилди.

Ташкил этилган кеча ўқувчи ёшлар учун қизиқарли ва маълумотларга бой тарзда ўтди.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар  
Хайрулло ЎЛМАСОВ, марказ пресс-атташеси

## МАРДУ МАЙДОНЛАР

“ Мусобақа ўз номи билан кимдандир ўзиб кетишни талаб қилади. Мардлар майдонига тушган борки, ғалаба пайида бўлади. Мақсадга эришиш эса санокли иштирокчиларгагина nasib қилади.

Марказий ҳарбий округ «Фориш» тоғ полигониди Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган Офицерлар уч кураши ва Ҳарбий кўпкураш мусобақалари ҳам кескин ва дўстона баҳс-мунозаралардан холи бўлмади, албатта.

Офицерлар уч курашида иштирокчилар (30 ёшгача, 35 ёшгача, 40 ёшгача, 40 ёшдан юқори ёш гуруҳлари бўйича) Макаров пистолетдан ўқ отиш, 100 метрга эркин усулда сузиш, 1 000, 2 000 ва 3 000 метр масофаларга югуриш машқларини бажардилар.

Тоғ бағрида, қишни эслатувчи шамол эсиб турган бир шароитда Макаров пистолетдан ўқ отиш мусобақаси барча ёш гуруҳларида энг маҳоратлиларни саралади. Уларга 3 та ўқ синов учун – 3 дақиқа, 10 та ўқ назор толетдан фақат битта қўл ёрдамида ўқ отиши мумкин. Сузиш ва югуриш мусобақалари ҳам турли ёш гуруҳлари орасида қизғин тусда ўтди.

Ҳарбий кўпкураш чемпионатида эса ҳарбий хизматчилар 100 метрга югуриш, турникда тортилиш, 3 000 метрга югуриш, ягона тўсиқлар йўлагидан ўтиш, гранатани узоқликка улоқтириш бўйича маҳорат ва тажрибаларини намоён қилдилар.

Барчанинг кўз ўнгида бўлиб ўтган турникда тортилиш мусобақаси рақобатга бой бўлди. Бири 30 тага етказса, бошқаси 40 ни ортда қолдиради. Энг кўп кўрсаткични эса 44 та натижа билан Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази курсанти Лазиз Фозилов намоён қилди.



Тонгги салқин аримасдан граната улоқтириш мусобақаларига старт берилди. Тоғ ҳавоси, забтига олишга уринаётган совуқ шамол томошабинларга таъсир қилаётган бўлиши мумкин, мусобақа иштирокчилари эса фақат узоқроқ маррани забт этиш ҳаракатида эди. Улар орасида гранатани белгиланган ҳудуддан ташқарига улоқтирганлари ҳам бўлса-да, 67 м 30 см натижа билан кичик сержант Бах-

тибек Алмуродов (Шарқий ҳарбий округ) энг яхши деб топилди.

Ягона тўсиқлар йўлагидан ўтишда эса Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Абдумавлон Аскарлов 1 дақиқа 39 сония билан мутлақ ғолиб бўлди. 100 метр масофага югуришда 12 сония кўрсаткич билан кичик сержант Умид Аҳмаджонов (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ) ҳамда кичик



Муаллиф суратга олган

сержант Валижон Бегалиев (*Марказий ҳарбий округ*) муваффақият қозонди.

Кўпчиликни бироз бўлса ҳам ташвишга соладиган 3 кмга югуриш мусобақасида Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази курсанти А. Тўхтаматов 9 дақиқа 57 сония натижа билан биринчиликни қўлга киритди.

Ўзига ишонган иштирокчи ҳеч нарсадан тап тортмаслиги рост. Ғалаба эса энг чидамли, энг маҳоратли ва энг тажрибалиларга nasib қилади. 5 кун давом этган беллашувлар натижалари умумлаштирилганда Офицерлар уч кураши чемпионатида 30 ёшгача бўлган офицерлар ўртасида лейтенант Н. Раҳматов (*Марказий ҳарбий округ*), 35 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида майор О. Юлдошев

(*Тошкент ҳарбий округи*), 40 ёшгача бўлган Ватан ҳимоячилари орасида подполковник Т. Тожиев (*Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти*), 40 ёшдан юқори ҳарбий хизматчилар орасида подполковник Ж. Хаитов I ўринни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида эса Шарқий ҳарбий округ I, Тошкент ҳарбий округи II, Марказий ҳарбий округ III ўринни эгаллади.

Ҳарбий кўп кураш чемпионатида кичик сержант В. Бегалиев (*Марказий ҳарбий округ*) I, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти А. Аскарров II, лейтенант Ж. Булаков (*Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ*) III ўринни забт этди. Умумжамоа ҳисобида Чирчиқ олий

танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти I, Марказий ҳарбий округ II, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ вакиллари III ўринга сазовор бўлди.

Ҳар иккала чемпионат натижалари умумлаштирилганда умумжамоа ҳисобида I ўринни Шарқий ҳарбий округ, II ўринни Марказий ҳарбий округ, III ўринни Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти вакиллари эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва медаллар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,**  
**«Vatanparvar»**



## ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

(ДАВОМИ. БОШИ ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СОНИДА)

“ Ўзбекистон спортчилари 2009 йили жаҳон ва қитъа чемпионатлари, жаҳон кубоги ва Осиё ўйинларида 166 та олтин, 151 та кумуш ва 361 та бронза, жами 678 та медалларни қўлга киритишди. Жаҳон ва Осиё миқёсидаги йирик мусобақаларда эришилган муваффақиятларнинг 74 та олтин, 61 та кумуш, 52 та бронза, жами 187 та медаллари армия спортчиларига тегишли бўлди.

## АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИ УЧУН 2009 ЙИЛГИ МАВСУМ

Марказий ҳарбий спорт клуби (МХСК) вакиллари 2009 йилги спорт мавсумида халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларнинг 412 та олтин, 293 та кумуш, 233 та бронза, жами 938 та медалларини қўлга киритишди. Мазкур мусобақаларда армия спортчилари томонидан 7 марта Ўзбекистон рекорди янгиланди. Бир нафар спортчи «спорт усталигига номзод», 7 нафар спортчи «спорт устаси» меъёрларини бажарди.

Мавсумда Ўзбекистон спортига оид иккита муҳим тарихий воқеа юз берди: Вадим Меньков байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича юртимизнинг биринчи жаҳон чемпиони бўлди; МХСК боксчиси кичик сержант Аббос Атоев эса иккинчи марта жаҳон чемпионлигига эришди.

### МАВСУМ ИФТИХОРИ – БОКСЧИЛАР

Юртимиз терма жамоаси негизини ташкил этган МХСК боксчилари учун 2009 йилги мавсум аввалгиларидан кўра муваффақиятлироқ бўлди. Армия чарм қўлқоп усталари Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати, Хитойда бўлиб ўтган Осиё биринчилиги, Германия, Туркия ва Озарбайжонда ўтказилган «А» тоифадаги халқаро мусобақалар, Болгариянинг Пасиджик шаҳри мезбонлик қилган «Странж кубоги» ва Қозоғистондаги анъанавий халқаро турнирлардан жами 17 та медаллар билан қайтишди. Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда қатнашган МХСК боксчилари эса 10 та олтин, 9 та кумуш, 6 та бронза, жами 25 та медалларни қўлга киритишди.

Лейтенант Аббос Атоев 2009 йилнинг иккита нуфузли мусобақасида ғолиб чиқди. Туркия мезбонлик қилган «А» тоифадаги халқаро мусобақада олтин медални қўлга киритган боксчимиз Италиянинг Милан шаҳридан «икки карра жаҳон чемпиони» деган шарафли ном билан қайтди.

2004 йил ёшлар ўртасида, 2006 йил ҳарбий хизматчилар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлган ҳамда Осиё ўйинларида ғолиб чиққан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи лейтенант Элшод Расулов учун ҳам 2009 йилги мавсум муваффақиятли кечди – Германиядаги халқаро турнирда ғолиб чиқди, Хитойда иккинчи марта Осиё чемпионлигига эришди, Истамбул халқаро турнири ва Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш медалларини қўлга киритди.

2009 йил МХСКнинг бокс бўлими бош мураббийи ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи майор Уйғун Сиддиқов ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирди. У тайёрлаган шогирдлардан икки

# АРМИЯ СПОРТИ – ЮРТИМИЗ ФАХРИ

нафари Миланда ўтказилган жаҳон чемпионатининг олтин ва кумуш медалларига сазовор бўлди.

– Ўзбек бокс мактаби доимо дунёда етакчилардан бўлиб келган, – дейди мураббий Уйғун Сиддиқов. – Буни 2009 йили Италияда ўтказилган XV жаҳон чемпионатида негизини Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ташкил этувчи Ўзбекистон терма жамоаси яна бир бор исботлади. Боксчиларимиз жаҳон чемпионатининг биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медалига сазовор бўлиб, Россия терма жамоасидан сўнг кубаликлар каби иккинчи натижа кўрсатди, умумжамоа ҳисобида эса 144 мамлакат ўртасида учинчи ўринни эгаллади. Бу муваффақиятга бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи сифатида қўшган ҳиссам Юртимизимиз томонидан юқори баҳоланиб, менга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси» фахрий унвони берилдики, бу менга фахр ҳиссини ҳадя этиш билан бирга келгусидаги қитъа ва жаҳон биринчиликларида, Олимпиада ўйинларида совриндор боксчиларимиз сафи янада кенгайиши йўлида тинмай меҳнат қилишимга, изланишимга ундади.

### МУАЙ-ТАЙ

Юртимизнинг таиландча бокс (муай-тай) ихломандлари ҳам 2009 йилги мавсумда МХСК вакилларида мамнун бўлишди. Зеро, бир йўла уч нафар армия спортчиси ўшбу мавсумда муай-тай бўйича жаҳон чемпионлигига эришди. Аввалига спорт усталигига номзод Ойбек Тошхўжаев Таиландда ўтказилган ёшлар ўртасидаги VI жаҳон чемпионатида 48 кг вазн тоифасида ғолиб чиқди, Шахриёр Жўраев эса 54 кг вазн бўйича бронза медални қўлга киритди. Йил охирида Бангкокда ўтказилган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Жобир Тошпўлатов мутлақ вазнда (+100 кг), Абдулла Худойберганов 60 кг вазнлилар ўртасида жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Финалгача муваффақиятли баҳс олиб борган Фулом Халилов (48 кг) ва Жавлон Назаровга (86 кг) дунё биринчилигининг кумуш медали топширилди.

Армия муай-тайчилари Ўзбекистон чемпионатида ҳам яққол пешқадамлик қилиб, 7 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритишди.

### КУРАШ

Ўзбек миллий кураши бўйича 2009 йилги мусобақаларда МХСК полвонлари яхши қатнашишди. Жумладан, Украинанинг Алушта шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Шароф Холмаматов барча рақибларининг курагини ерга текизиб, жаҳон чем-

пиони бўлди. Сухроб Худойбердиев ва Муқаддас Кубиева дунё биринчилигининг кумуш медалларини қўлга киритишди. Кубиева Вьетнамда ўтказилган ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларида янада муваффақиятли беллашиб, мавсумдаги учинчи олтин медалига сазовор бўлди. У бундан олдин Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат кубоги учун кечган беллашувларда ҳам ўз вазн тоифаси бўйича баҳсларда ғолибликни нишонлаганди.

### БАЙДАРКА ВА КАНОЭ

МХСК байдарка ва каноэчилари 2009 йил давомида халқаро ҳамда мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларнинг 92 та (33 та олтин, 33 та кумуш, 26 та бронза) медалини қўлга киритишди. Энг юқори кўрсаткичга МХСК аъзоси Мария Мехеда эришди. У халқаро ва мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларнинг 21 медали соҳибига айланди. Мариянинг энг катта ютуғи қитъа чемпионатининг 5 000 метр масофа бўйича жуфтлик пойгаларида ғолиб чиқиб, Осиё чемпионлигини қўлга киритгани бўлди. 200 метрга жуфтлик ва 500 метрга тўртлик бўйича баҳсларда эса кумуш медал соҳибига айланди. Қолган медалларини у Ўзбекистон чемпионати ва кубоги учун кечган баҳсларда қўлга киритди.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Вячеслав Горн ҳам 2009 йилги мавсумда яхши натижаларга эришди. У Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида 4x200 метр ва 4x500 метр масофалар бўйича баҳсларнинг олтин медалига сазовор бўлди. 4x5000 метр масофа пойгаларида эса бронза медал соҳибига айланди. Спорт устаси қитъа чемпионатида қадар ўтказилган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон қишки чемпионатида биттадан олтин ва кумуш, 2 та бронза медални қўлга киритган эди. Осиё чемпионатидан сўнг Тошкент денгизида ўтказилган Ўзбекистон кубоги учун кечган баҳсларда эса у яна 2 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медалга сазовор бўлиб, мавсум давомида қўлга киритган медаллари шодасини 12 тага етказди.

2009 йилги мавсум давомида 13 та медални қўлга киритган шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Герасим Кочнев халқаро миқёсдаги ягона муваффақиятига Чехияда эришди. Жаҳон кубогининг биринчи босқич 1 000 метрга тўртлик баҳсларида Герасим ҳамкорлари билан бирга 3.33,423 дақиқа натижа кўрсатиб, маррани иккинчи бўлиб кесиб ўтишди ва кумуш медалга сазовор бўлишди. Мамлакатимиз миқёсидаги мусобақа-





ларда эса Кочнев 5 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медалларни қўлга киритди.

### ОҒИР АТЛЕТИКА

1991 йил ўсмирлар ўртасида Европа чемпиони, 1994, 1998, 2002 йиллардаги Осиё ўйинларининг совриндори, икки карра Осиё чемпиони (1997, 2000 йилларда), 4 марта (1996, 2000, 2004, 2008 йилларда) Олимпия ўйинлари қатнашчисига айланган халқаро тоифадаги спорт устаси катта сержант Игорь Халилов 2009 йилда спортчилик фаолиятини яқунлаб, Марказий ҳарбий спорт клубида мураббий сифатида иш бошлади ва у самарали бўлди. Унинг шогирдлари Ўзбекистон чемпионатида 8 та медални қўлга киритишди. МҲСК вакилларининг халқаро майдондаги муваффақиятлари ҳам салмоқли бўлди, жумладан спорт устаси Мухаммад Бегалиев Таиландда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 3 та кумуш медални қўлга киритди. У 62 кг вазнлилар ўртасида кечган баҳсларда 127 кг штангани даст кўтариб, бу борада юртимиз рекордини янгилади. Иқтидорли спортчи Дубайда ўтказилган ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ҳам уч марта Ўзбекистон ва Осиё рекордларини янгилашга муваффақ бўлди. 17 ёшни қаршилаган спортчи дастлаб ўсмирлар (15-16 ёш) ўртасида кечган баҳсларда даст ва силтаб кўтаришда умумий 288 кг натижа кўрсатиб, Осиё рекордини янгилади. Сўнг ёшлар (17-18 ёш) ўртасидаги баҳсларда қатнашган Мухаммад янада юқори натижаларга эришди. Ёшлар ўртасидаги қитъа биринчиликларининг 69 кг вазн бўйича аввалги рекордлари даст кўтаришда 135 кг, силтаб кўтаришда 165 кг, умумий ҳисобда 300 кг эди. Мухаммад Бегалиев Дубайда даст кўтаришда 136 кг, силтаб кўтаришда 166 кг, умумий ҳисобда 302 кг оғирликни ўзига бўйсундирди ва бу борада Осиё рекордларини янгилаш билан бирга қитъа чемпиони бўлди.

### ДЗЮДО

МҲСК дзюдочилари юртимиз миллий терма жамоасининг асосий таркиб аъзолари ҳисобланишади. Спорт мухлислари, айниқса, Пекин Олимпиадаси совриндори Ришод Собировдан 2009 йилда катта ютуқларни қўлга киритишини кутишганди. Ўша йили шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар бўлган Ришод уларнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилди. Дастлаб Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақанинг 60 кг вазн тоифаси бўйича баҳсларида ғолиб чиқиб, мухлисларини қувонтиришга ҳам эришди. Сўнг Тайванда ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медални қўлга киритди ва жаҳон рейтингда биринчи поғонагача кўтарилди. У йил охирида Абу-Дабида ўтказилган халқаро турнирда яна бронза медалга эгалик қилди.

МҲСК дзюдочиларидан шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Фармон Қобулов (81 кг) ва Санжар Бектошев (66 кг) ҳам Бишкек ва Чимкентда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақаларда ғолибликни нишонлашди. Мансур Мўминхўжаев (60 кг) эса бундай турнирларнинг

иккитасида олтин, биттасида бронза медалларни қўлга киритди.

### БАСКЕТБОЛ ВА СУВ ТҶИ

2009 йилда юртимизда баскетбол бўйича битта халқаро ва учта мамлакат миқёсидаги турнир ташкил этилди. Ўзбекистон мустақиллиги кубоги турнирида кўшни мамлакат баскетбол жамоалари ҳам иштирок этишди. Марказий ҳарбий спорт клуби мазкур турнирнинг ғолиби бўлди. Ўзбекистон кубоги, Ўзбекистон чемпионати ва федерация кубоги учун баҳсларда ҳам МҲСК жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади.

Сув тўпи бўйича мусобақаларда ҳам шундай ҳолат кузатилди. МҲСК сув тўпи жамоаси Ўзбекистон кубоги ва Мустақиллик кубоги мусобақаларида, сўнг Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда ғолиб чиқди. Ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида ҳам МҲСК жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

### ЛОЧИНЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ПАРВОЗЛАРИ

МҲСК лочинларидан бири кичик сержант Леонид Андреев 2009 йилги мавсумда лангарчўгда сакраш бўйича Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро мусобақаларда 9 марта шоҳсупага кўтарилди. Армия спорт юлдузи кичик сержант Надежда Дўсанова эса баландликка сакраш бўйича дунё ва Осиё миқёсидаги турнирларнинг 6 тасида иштирок этиб, 5 тасида совриндор бўлди.

Пекин Олимпиадасининг бронза медали соҳиби лейтенант Екатерина Хилько учун ҳам 2009 йилги мавсум бесамар кетмади. Батутда сакрашнинг ҳадисини олган спортчимиз халқаро майдонда 4 марта шоҳсупага кўтарилди. Дастлаб апрель ойининг сўнги кунлари Болгариянинг София шаҳрида ўтказилган батутда сакраш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқич яккалик баҳсларида юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиб, олтин медални қўлга киритди. Кейинги муваффақиятларга эса спорт устаси Анна Савкина билан биргаликда синхрон сакраш баҳсларида эришди. Армия спортчилари Польшанинг Зелена Гура шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогининг иккинчи босқич баҳсларида 45,10 натижа кўрсатиб, бронза медалга сазовор бўлишди. Учунчи босқичда эса уларга тенг келадиغانлар топилмади – жаҳон кубоги учун Германияда кечган баҳсларда ушбу жуфтлик олтин медални қўлга киритиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Лейтенант Екатерина Хилько трамполин спорти бўйича жаҳон кубогининг иккита олтин ва иккита бронза, Анна Савкина эса битта олтин ва иккита бронза медални қўлга киритди. Улар 2009 йилги халқаро миқёсдаги фаолиятини Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медални қўлга киритиш билан яқунлашди. Лейтенант Хилько йил охирида яна бир муваффақиятга эришди – дунё миқёсидаги ютуқлари ёнига «Ўзбекистон чемпиони», деган шарафли номни ҳам қўшиб қўйди.

### ЙИЛНИНГ «ЭНГ ЯХШИ»ЛАРИ

Мавсум сўнгида Маданият ва спорт ишлари вазирлигида 2009 йилда энг самарали фаолият кўрсатган маданият, санъат ва спорт намоёндаларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Марказий ҳарбий спорт клуби «Йилнинг энг фаол спорт ташкилоти» деб эълон қилинди. Лейтенант Аббос Атоев «Йилнинг энг маҳоратли спортчиси» деб топилди. МҲСКнинг ёш ва умидли трамполинчиси Анна Савкина эса «Спорт маликаси» номинацияси ғолиби бўлди.

### ЮРТНИ УЛУҒЛАГАНЛАР ЭЛ АРДОҒИДА

Ватан шон-шавкати, халқининг ору ғурури учун курашганлар ҳеч қачон ҳаётда кам бўлмайди, улар доим эл-юрт ардоғида. Халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларимизни муносиб рағбатлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Хусусан, 2009 йилги мавсум якунида лейтенант Аббос Атоевга «Ўзбекистон ифтихори», МҲСКнинг бокс бўлими бош мураббийи, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи майор Уйғун Сиддиқовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси» фахрий унвонлари берилди. Лейтенант Элшод Расулов эса юртимизнинг юксак мукофоти – «Мехнат шўхрати» ордени билан тақдирланди. Шунингдек, боксчилар Аббос Атоев ва Элшод Расуловга Президент совғаси – «Нексия» автомобиллари топширилди.

2009 йилда МҲСК энгил атлетикачилари халқаро мусобақаларда 25 та олтин, 19 та кумуш, 15 та бронза, армреслингчилар 12 та олтин, 9 та кумуш, қўл жанги усталари 7 та олтин, 4 та кумуш, битта бронза, юнон-рум кураши бўйича полвонларимиз 4 та олтин, 6 та кумуш, 9 та бронза, байдарка ва каноэчилар 3 та олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза медалларини қўлга киритишганди. Мавсум якунида Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида ана шу спорт турлари бўйича МҲСКнинг энг фаол спортчилари ва мураббийларига Мудофаа вазирининг эсдалик нишони, Фахрий ёрлик, қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари топширилди. Жумладан, 2009 йили халқаро майдонда катта муваффақиятларга эришган батутда сакраш усталари – лейтенант Екатерина Хилько ва Анна Савкина, энгил атлетикачилар – кичик сержант Леонид Андреев ва кичик сержант Надежда Дўсанова, байдарка ва каноэда эшак эшувчилар – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Вячеслав Горн, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мария Горн, қўл жанги бўйича биринчи Осиё ўйинларининг бронза медали соҳиби майор Бахтиёр Норов, полвонлар – Шароф Холмаматов, Муқаддас Кубиева, мураббийлар – майор Олег Левин, катта сержант Анвар Қўчмуродов ҳам муносиб рағбатлантирилди.

(Давоми газетанинг келгуси сонларида)

Расул ЖУМАЕВ,  
«Vatanparvar»



## КЕЛАЖАГИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

## ЁШЛАРНИНГ БИР КУНИ

Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирига келган ўқувчилар ҳарбий ҳаёт ва машғулотлар билан танишиб, уйларига катта таассуротлар билан қайтишди.

Шаҳарнинг бир нечта таълим муассасаси ўқувчилари ҳамда профилактик рўйхатда турувчи ёшлар учун ҳарбий қисм бўйлаб экскурсия ташкил этилиб, кўргазмали машғулотлар ўтказилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ёшларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилди.

Ҳарбий акалари билан мазмунли кечган саёҳат ҳарбий оркестр томонидан ижро этилган ватанпарварлик руҳидаги наволар билан бошланди. Ҳарбий қисм бўйлаб ўтказилган экскурсия давомида ёшлар аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув-моддий база ва қулайликлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Кичик дала-ўқув майдонида ўқотар қуролларнинг тактик-техник таснифи ва тузилиши бўйича ўтказилган машғулот ёшларда ўзгача бир қизиқиш уйғотди.



Аскарлар ҳарбий қисмга келган ёшларга чавандозлик тайёргарлигидан маҳорат дарсини ўтдилар.

Тадбир якунида фаол ёшлар ташкилотчилар томонидан китоблар тўплами билан тақдирланди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати**

## «ҲУҚУҚИЙ ПРОФИЛАКТИКА»

## НАЗАРИЙ КЎНИКМАЛАР ОШИРИЛДИ

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги бошқарув аппаратида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» куни доирасида тадбир ўтказилди.

«Қўшинларда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва уларнинг олдини олиш чоралари» мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХ бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи майор Қаҳрамон Худойбергандов, Тошкент гарнизони ҳарбий автомобиль назорати инспекция бошлиғи ўринбосари майор Азизбек Ахроров, шунингдек ҳайдовчилар ва шахсий автотранспорти мавжуд бўлган ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига амал қилишнинг аҳамияти, ҳайдовчи нафақат ўзи, балки атрофдагиларнинг саломатлиги учун ҳам бевосита жавобгар эканини таъкидладилар. Майор Қаҳрамон Худойбергандов томонидан йил давомида содир этилган йўл-транспорти ҳодисалари, уларнинг сабаблари ва аянчли оқибатлари, ёш тоифасига кўра энг кўп қоидабузарлик содир этган ҳайдовчилар, қандай автотранспорт воситаларида йўл-транспорти ҳодисалари кўпроқ содир этилгани ҳақида қиёсий-таҳлилий маълумотлар айтиб ўтилди.

Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида ҳам сўз юритилиб, юрт ҳимоячилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар. Тадбир давомида шахримиз кўчаларида ўрнатилган кузатув камераларида муҳрланиб қолган мудҳиш автоавариялар жамланмаси ҳам қатнашчиларга намойиш этилди.

Ҳарбий қисм ҳудудида турли русумдаги автотранспорт воситалари, уларнинг техник имкониятлари ва ҳар бир автомобилда бўлиши шарт бўлган анжомларнинг намойиши ҳам ташкил қилинди.

**Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,**  
Тоифаланган объектларни қўриқлаш  
қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи



## ҚАРОР ВА ИЖРО

## Ҳарбий формали кийим-бошларни кийиб юриш тартиби

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли ўртасида ҳарбий хизматчиларнинг формали кийим-бошларни хўжалиқ, қурилиш ишларида ёки ҳавас учун кийиб юриш ҳолатлари учрамоқда.

Ҳарбий формали кийим-бошларни кийиб юриш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг формали кийим-бошларини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизми тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қуйидаги вазирлик ва идораларга: Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Давлат божхона қўмитаси, Ҳарбий прокуратурага берилган. Шунингдек, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари ҳамда Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ходимлари ҳам шундай ҳуқуққа эга.

Ҳарбий формали кийим-бошларнинг намуна-стандартлари тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилот раҳбарларининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъму-

рий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 209<sup>1</sup>-моддасига асосан «формали кийим-бош кийиб юриш назарда тутилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг тасдиқланган намунадаги ҳарбий, идоравий ва махсус формали кийим-бошини бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахслар томонидан кийиб юрилиши – формали кийим-бошни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима» жазоси белгиланган.

Юқорида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда фақат ички ишлар органларининг ваколатли ходимлари томонидан маъмурий йўл билан ушлаб турилиши ва қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўриши мумкин.

Аҳоли ўртасида ваколати бўлмаган фуқароларнинг ҳарбий формали кийим-бошларни кийиб юриши каби ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб сифатида қуйидагиларни:

биринчидан, кенг жамоатчиликнинг ҳарбий формали кийим-бошларни кийиб юриш бўйича қонунчиликдан хабари йўқлиги;

иккинчидан, қонунчиликда белгиланган ушбу ҳуқуқбузарликни тартибга солувчи ваколатли орган ходимларининг аҳоли томонидан ҳарбий формали кийим-бошларнинг кийиб юрилишига бефарқлиги;

учинчидан, тасдиқланган намунадаги формали кийим-бошларни сотиш учун тегишли лицензия ёки гувоҳномаларга эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари томонидан бозор расталари ва дўконларда сотилиши каби ҳолатларни келтиришимиз мумкин.

Тасдиқланган намунадаги ҳарбий формали кийим-бошларнинг сотилиши бўйича тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 406-сонли қарори билан тасдиқланган «Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг тасдиқланган намунадаги формали кийим-боши савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низом билан белгиланган.

Ушбу низом талабларига асосан тасдиқланган намунадаги ҳарбий формали кийим-бошлар ва фарқловчи нишонлар тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ходимлари томонидан тегишли гувоҳномалар кўрсатилган ҳолдагина уларга сотилиши белгиланган.

**Адлия лейтенанти Шохнур ЭРНАЗАРОВ,**  
Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар департаменти  
юридик бўлими бошлиғи



## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИҒИН

## БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР ОШИРИЛДИ

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги таълим муассасаларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари учун Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмлар негизида бир кунлик ўқув услубий йиғин ташкил этилди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда халқимиз тарихига ва маънавий қадриятларига юксак ҳурмат туйғусини шакллантириш, Ватан ҳимоясига, унинг миллий хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини ҳимоя қилишга доимо шай туришга ҳамда ҳарбий хизматни ўташга тайёрлашнинг дастлабки пойдевори, албатта таълим муассасаларида қўйилади.

Дастлабки ҳарбий билим ва кўникмаларни бериш, армияга ёшларни тайёрлаш чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиларидан чуқур билим ва юқори касбий тайёргарликни, миллий армиямизда олиб борилаётган ислохотлар ва янгиликлардан бохабар бўлишни талаб этади. Шуларни инobatга олган ҳолда, ҳар-

бий округ қўмондонлиги томонидан мазкур йиғин ташкил этилиб, унга Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги таълим муассасаларининг 1100 нафардан ортиқ чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари жалб этилиши режалаштирилган.

Биринчи ўқув йиғинида Нукус шаҳри, Нукус, Тахиятош ва Хўжайли туманларидан 120 нафардан зиёд ўқитувчи иштирок этди. Назарий тайёргарлик ва кичик дала-ўқув майдонидаги амалий машғулотларга тажрибали офицер ва сержантлар раҳбарлик қилди.

Йиғин иштирокчилари ўқотар қуролларни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш воситаларидан фойдаланиш, ҳарбий



топография, тактика, саф тайёргарлиги, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби машғулотларда амалий тайёргарликдан ўтдилар.

Йиғин давомида таълим муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани синфхоналарини моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш бўйича Нукус шаҳридаги 8-сон умумтаълим мактабида кўргазмали машғулот ўтказилди.

Машғулотлар якунида бир гуруҳ ўқитувчилар ҳарбий округ қўмондонлиги томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати**

## ТАНЛОВ

## МАҚСАД - ТАЪЛИМГА ТАКОМИЛ

Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларида «Йилнинг энг илғор ўқитувчиси» кўрик-танловининг иккинчи босқичи ўтказилмоқда.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим сифатини, ўқув, услубий ва илмий ишлар самарадорлигини ошириш, илғор педагогик технологияларни жорий қилиш, ўзаро тажриба алмашиш, касбий маҳоратни ривожлантириш, рағбатлантириш каби мақсадларда ўтказилаётган танловнинг

иккинчи босқичида Қуролли Кучлар академиясининг ҳарбий хизматчи ва Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат бир неча профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этмоқда.

- Иккинчи босқичда кафедралар томонидан энг илғор деб топилган ўқитувчиларнинг фаолияти бир неча талаблар асо-



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ суратга олган

сида баҳоланади. Жумладан, ўқув, услубий, илмий ишлари, мақола, маъруза ва ижодий ишлари, курсантлар ва тингловчиларнинг Мудофаа вазирлиги ва мамлакат миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирларда эришган натижалари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тажрибаси инobatга олинади. Мазкур босқичнинг яна бир муҳим жиҳати таълим тизимининг норматив-ҳуқуқий базаси ва хорижий тиллар бўйича 80 та саволни ўз ичига олган тест синовининг ўтказилишидир, - дейди академия-

нинг услубий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари, ҳайъат аъзоси, подполковник Улуғбек Соатов.

Ўтган йили ушбу танловнинг якуний босқичида Қуролли Кучлар академиясининг ҳарбий санъат кафедраси катта ўқитувчиси, айти пайтда хорижда илмий иш билан банд бўлган докторант подполковник Юсуфали Сафаров «Йилнинг энг илғор ўқитувчиси» деб топилганди. Таълим муассасасининг ўқитувчилари бу йил ҳам маррани баланд олишган.

**Фурқат ЭРГАШЕВ**



## СПОРТ



“ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда *Марказ деб аталади*) аъзоси лейтенант Бектемир Мелиқўзиев профессионал боксдаги навбатдаги жангини АҚШда ўтказди ва ўзининг биринчи жангидаёқ жаҳон спорт матбуотида қозонган номи – «Bully»лигини, яъни «безори»лигини яна бир бор намоиш қилди.

# ПРОФЕССИОНАЛ БОКС «БЕЗОРИ»СИ

Ҳаваскор бокс бўйича қитъа чемпиони, жаҳон чемпионати, Олимпиада ва Осиё ўйинлари совриндори лейтенант Бектемир Мелиқўзиев профессионал рингдаги илк жангини халқаро майдонда ўзига хос шов-шув билан бошлаганди. У 2019 йилнинг июнь ойида Лос-Анжелес шаҳрида ташкил этилган бокс оқшомида супер ўрта (76,2 кг) вазн тоифасида рингга чиққан, рақиби эса шу вақтга қадар профессионал рингда 46 та жанг ўтказиб, 23 та ғалабага эришган ва унинг 13 тасини нокаут билан ўз фойдасига ҳал қилган аргентиналик Мартин Фидел Риос бўлганди. Бектемир биринчи раунддаёқ кучли зарбалар билан номдор рақибини ерга қулатди. Ҳайратга тушган мухлислар бирпас жим қолишди. Чунки Риос узок вақт ўзига келолмай ўрндан тура олмади ва рефери соф нокаутни қайд этди. Шундан сўнг айрим бокс мухлислари «Bully, Bully» дея қичқириб бошлашди. Бу жаҳон спорт матбуотида ўзига хос шов-шувга ҳам сабаб бўлди. Бир қатор спорт нашрлари ҳамюртимиз ғалабасини жанг пайтида мухлислар томонидан эътироф этилган «Bully», яъни «безори» муваффақияти сифатида ёритди. Ҳа, ҳаваскор боксчимиз профессионал рингдаги ўзининг илк жангидаёқ «профессионаллар профессионалини мағлуб этишга муваффақ бўлган»и боис «Bully» лақабини олганди.

Қарийб бир ярим йиллик фаолияти давомида

профессионал боксда бешта жанг ўтказиб, уларнинг барчасида шу тариқа ғалаба қозонган армиямиз спорт Маркази вакили лейтенант Бектемир Мелиқўзиев ўзининг олтинчи жангини ўтган ҳафта охирида АҚШнинг Индио шаҳрида ўтказди. Унинг бу галги рақиби фаолияти давомида профессионал рингда 16 та жанг ўтказиб, унинг 11 тасида нокаут билан ғалабага эришган ва 5 маротаба мағлубиятга учраган мексикалик Алан Кампа бўлди. 10 раундга мўлжалланган ушбу жанг ҳам охиригача етмади. Катта устунликка эришган лейтенант Мелиқўзиев 2-раундда рақибини нокадаун ҳолатига тушириб қўйди. 3-раундда эса Бектемирнинг кетма-кет кучли зарбаларидан сўнг мексикалик боксчи нокаут ҳолатига тушди. Шу тариқа Мелиқўзиев профессионал боксдаги 6-ғалабасини қўлга киритиш баробарида WBO (*Бутунжаҳон бокс ташкилоти*) Интер-Континентал камарига ҳам эга чикди.

Лейтенант Бектемир Мелиқўзиев аслида WBA Continental Americas камари соҳиби бўлиб, шу кунгача WBA (*Бутунжаҳон бокс ассоциацияси*) рейтингда 14-ўринда бораётган эди. У ўзининг бешинчи жангини 2020 йил 14 февраль кун АҚШда мексикалик Оскар Кортесга (27-0, 14 KO) қарши ўтказиб, 10 раундга мўлжалланган жангни 2 дақиқа 5 сония давом эттирган ва бу рақибини ҳам биринчи раунддаёқ нокаутга учратганди.

Расул ЭРМУҲАММАД

## АРМРЕСТЛИНГ

## САМЫЕ СИЛЬНЫЕ РУКИ

“ В городе Андижан состоялся чемпионат Узбекистана по армрестлингу. В турнире приняли участие более ста спортсменов, тринадцать из них представители Центра развития высших спортивных результатов Министерства обороны Республики Узбекистан.



Несмотря на то, что армрестлинг не является олимпийским видом спорта, борьба на руках обладает популярностью во всем мире, в том числе и в нашей стране. Доказательство тому, проводимый чемпионат.

Армрестлинг в Узбекистане называют ровесником независимости, поскольку первые шаги по развитию этого вида спорта в стране были сделаны в 1991 году. Однако обороты данный вид спорта набрал в 1999 году, после создания федерации. До сегодняшнего дня на различных международных турнирах, чемпионатах Азии и мира за эти годы в честь

узбекистанских атлетов прозвучал Гимн Узбекистана 134 раза. Сборная Узбекистана по армрестлингу входит в тройку лидеров стран Азиатского континента.

Для развития данного вида спорта среди молодежи, а также населения, свой вклад вносит Центр развития высших спортивных результатов Министерства обороны Республики Узбекистан. Среди учащихся школ, лицеев и колледжей проводятся различные турниры, в махаллах среди населения организовываются соревнования. И сегодня в чемпионате Узбекистана по армрестлингу самые сильные руки оказались у Отабека Жабборова. В весе 85 кг Отабеку не было равных. Как отметил Отабек после награждения, это все плоды долгих тренировок, наставлений тренера, поддержки родителей и друзей.

– Каждый чемпионат такого уровня открывает новые таланты, – говорит главный судья соревнования С. Нематуллаев. – И конечно же основная цель проведения чемпионата выбрать лучших среди сильнейших, чтобы подготовить их к предстоящим чемпионатам и турнирам.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ МАРКАЗГА ТАШРИФИ

“ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, курсантлар ҳамда ёшлар Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказига ташриф буюрдилар.

Меҳмонлар ҳарбий спортчилар учун яратилган шарт-шароитлар, жумладан ётоқхона, ошхона, кутубхона ва спорт зали, отиш майдони билан яқиндан танишдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган беш ташаббус ижроси юзасидан ҳарбий хизматчилар ҳамда уюлмаган ёшлар билан амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашишди.

Мажмуавий тадбирлар доирасида ҳарбий спорт турлари ва қурол-яроғлар намоиши ўтказилди. Шунингдек, марказ музейи ҳамда ўқ отиш майдони бўйлаб экскурсия ташкиллаштирилди. Бир гуруҳ ёшлар ва мураббийларга «Нуроний» жамғармаси томонидан бадий китоблар тўплами совға қилинди.



Майор М. ЗЕЙНАЛОВ

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИДА

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ  
ЎРНИ ВА РОЛИ

“ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг 2020 йил илмий ишлар режасига асосан қуролланиш ва отиш кафедраси томонидан «Отиш тайёргарлиги фанини ўқитишда замонавий ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва роли» мавзусида ҳарбий-илмий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Мудофаа вазирлиги Марказий аппарати, академиянинг профессор-ўқитувчилари, IV-босқич курсантлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда ҳарбий округлар жанговар тайёргарлик бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Ҳарбий-техник институти ва Давлат хавфсизлик хизмати академияси, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультети, Ички ишлар вазирлиги академияси ва Кичик мутахассислар тайёрлаш марказининг вакиллари иштирок этди.



Анжуманда офицерлар таркибини тайёрлашда олий ҳарбий таълим муассасасининг ўқув тарбиявий жараёнига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, хорижий мамлакатлар армиясининг ҳарбий хизматчиларини ўқитиш ва бевосита жанговар ҳаракатларда тайёрлаш борасида қўллаётган замонавий тренажёр воситалари ҳамда уларнинг ривожланиш йўналиши кенг муҳокама этилди ва бу борада амалий тавсиялар берилди.

СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ

“ Ўқув-тарбиявий ва услубий жараёнини ташкиллаштиришни ривожлантириш ва профессор-ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш мақсадида жанговар таъминот кафедраси циклида «Радиацион, кимёвий ва биологик муҳофаза қўшинларида мавжуд бўлган замонавий махсус техник воситаларнинг қиёсий тавсифи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Унда радиацион, кимёвий ва биологик муҳофаза қўшинларида мавжуд бўлган замонавий махсус техник воситаларнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлигини ошириш амалиётини ўрганиш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Маъруза қилган мутахассислар соҳани янада ривожлантириш бўйича ўз таклифларини билдиришди.

ТЕГИШЛИ ТАВСИЯ ВА  
ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

“ «Чегара хавфсизлиги – Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик тизимининг таркибий қисми» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда Қуролли Кучлар тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Илмий-амалий конференцияда чегара ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, замонавий хавф ва таҳдидларни, шунингдек, халқаро ва миллий амалиётни ҳисобга олган ҳолда, чегара қўшинларининг тажрибасини ошириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.



Майор Холмуҳаммад ЖЎРАБОЕВ

## ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

ЁШЛАР БИЛАН  
НАВБАТДАГИ  
УЧРАШУВ

“ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуси ижроси доирасида Андижон ҳарбий прокуратураси, вилоят Ички ишлар бошқармаси ва туман, шаҳар бўлимлари, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда ҳарбий қисмлар қўмондонликлари ҳамкорлигида уюшмаган ёшлар иштирокида учрашув ўтказилди.

Икки юздан ортиқ ёш ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳарбий қисмда ташкил этилган ушбу тадбирда уюшмаган ёшларнинг келгусида маълум бир касб ёки мутахассисликка эга бўлиши, касбга тайёрлаш, уларни яқка тартибдаги тадбиркорлик ёхуд яшаш ҳудудларида деҳқончилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фаолият юритишларига кўмаклашиш борасида зарур тавсиялар берилди.

Қўл жанги чиқишлари, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар кўргазмаси намойиш этилди. Тадбир доирасида ёшлар иштирокида спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар муносиб рағбатлантирилди.

Ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китоб мутоаласига бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида миллий ҳамда жаҳон адабиёти намуналаридан иборат китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Адлия подполковниги Махаммадjon БОЗАРМИРЗАЕВ,  
Андижон ҳарбий прокурорининг  
ўринбосари

## САЙЁР ҚАБУЛ

ТАДБИРЛАР  
ДАВОМ ЭТМОҚДА

“ Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Сирдарё вилоятининг фавқулодда вазиятлар ва мудофаа ишлари бошқармалари ҳарбий хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирокида учрашув ташкил этилди.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ўтказилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги Сарвар Мухитдинов оилавий низолар ва ажримларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш масалаларида маъруза қилиб, ўз навбатида, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун яратилган имтиёзлар хусусида маълумотлар бериб ўтди.

Шундан сўнг сайёр қабул ўтказилиб, 13 нафар ҳарбий хизматчи ва улар оила аъзоларининг мурожаатлари тингланди. Мурожаатларнинг 8 тасига қонун ҳужжатлари талаблари асосида тушунтиришлар берилиб, 5 таси жойида ижобий ҳал этилди.

Мисол учун, Ч.Ш.нинг уйини таъмирлаш учун кредит ажратиш ва Н.З.нинг микроқарз олиш масалаларидаги мурожаатлари бўйича зарур ҳужжатлар вилоят «Микрокредит банк» АТБ филиалига юборилди. Ёки ёш оила сифатида уй-жой олиш учун тавсияномага эга бўлган З.Ф.нинг Гулистон шаҳар ҳокимлиги томонидан ёш оилаларга уй-жой бериш режаси бўйича рўйхатда йўқлиги сабабли уни рўйхатга киритиш ҳақидаги мурожаати ҳам жойида қаноатлантирилиб, тегишли ҳолда рўйхатга киритилиши таъминланди.

Адлия лейтенанти Алишер АХМЕДОВ,  
Гулистон ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

## ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРИДА



# ИРОҚ ХАЛҚ ЛАШКАРИ

«Ал-Хашд аш-Шааби» деб номланувчи ва асосан кўнгилчилардан ташкил топган Ироқ халқ лашкари мамлакат миллий хавфсизлигини таъминловчи органлар тизимида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Харбий йўналишдаги мазкур қўшилма 2014 йилда ИШИД террорчилик ташкилотига қарши курашда мамлакат Қуролли Кучларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида шакллантирилган. Ироқ диний етакчиларининг мамлакат фуқароларига мурожаати ва Эрон Ислоҳ Республикаси томонидан кўрсатилган молиявий ва моддий ёрдам Бағдодга қисқа муддатларда ва ортиқча сарф-харажатларсиз янги куч тузилмасини ташкил этиш имконини берди. Бунинг натижасида ИШИДга қарши курашга киришган республика федерал кучлари шахсий таркибининг умумий сони анча оширилишига эришилди. Дастлабки босқичда лашкар асосини Ироқ Ички ишлар вазирлиги раҳбарлиги остида ҳаракат қилган шиаларнинг қуролли отрядлари ташкил этган бўлса, кейинчалик уларга курдлар, язидлар, туркманлар, христианлар ва суннийлар томонидан тузилган харбий гуруҳлар ҳам қўшилган. 2015 йилда мамлакат бош вазирининг махсус фармони билан «Ал-Хашд аш-Шааби» Ички ишлар вазирлиги таркибидан чиқарилади ва бевосита бош вазир бўйсунувида ўтказилади. 2016 йил ноябрида Ироқ парламенти мазкур янги тузилмани миллий хавфсизлик органлари тизимига алоҳида бошқарма сифатида киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Шу тарзда халқ лашкари кўнгилчилари юридик, молиявий ва ижтимоий ҳуқуқлар бўйича ҳукумат қўшинлари харбийлари билан тенглаштирилди.

2014-2017 йиллар мобайнида «Ал-Хашд аш-Шааби» отрядлари қуролли тўқнашувларнинг энг хавфли ҳудудларида ўтказилган жанговар операцияларда фаол иштирок этди ва Мосул, Рамади, Самарра, Тикрит ва Ал-Фалужжа сингари шаҳарларни террорчилардан озод

қилишда муҳим роль ўйнади.

Ҳозирги даврга келиб халқ лашкари зиммасига ИШИДга қарашли тарқоқ босқинчи тўдалар ҳамда террорчилар инфратузилмасини излаш ва йўқ қилиш бўйича мустақил операцияларни амалга ошириш ёки федерал кучлар томонидан ўтказиладиган махсус қўшма операцияларда иштирок этиш, давлат чегараларини қўриқлаш, стратегик объектлар ва транспорт коммуникациялари хавфсизлигини таъминлаш, озод қилинган ҳудудларни миналардан тозалаш каби вазифалар юкланган. «Ал-Хашд аш-Шааби» қўшилмаларини бошқариш ва уларнинг ҳаракатларини Ироқнинг бошқа куч тузилмалари ҳаракати билан мувофиқлаштириш бевосита Олий бош қўмондон (*Бош вазир*)га бўйсунувчи Халқ лашкари бош бошқармаси томонидан амалга оширилади. Мазкур бошқарма 6 та асосий бошқарма (*оператив, режалаштириш, бош инспектор, фронторти таъминоти, маъмурий ва молия*) ҳамда 12 та ихтисослаштирилган бошқармадан (*жанговар тайёргарлик, разведка, хавфсизлик, алоқа, армия авиацияси, муҳандислик, тиббий, юридик, ОАВ билан ишлаш, диний ишлар, ёшларни тайёрлаш ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш*) ташкил топган.

Ҳозирга келиб умумий сони деярли 120 минг кишини ташкил этувчи «Ал-Хашд аш-Шааби» таркибида турли харбийлаштирилган қўшилмалар асосида шакллантирилган, асосан шиалардан (*90 фоизга яқин*) тузилган 56 та бригада мавжуд бўлиб, улар орасида «Бадр», «Асаиб Аҳли ал-Ҳаққ», «Катаиб Ҳезболлаҳ», «Хавза» ва «Сарая ас-Салом» энг йирик ва кўп сонли қўшилмалар ҳисобланади. Бу бригадалар энгил пиёдалар қўшилмалари кўринишида бўлиб, бир-биридан ўз тузилмаси ва сони бўйича (*1 мингдан 3 минг кишигача*) фарқланади. Лашкарга қарашли бўлинмалар артиллерия тўплари, миномётлар, ўқотар қуроллар ҳамда жанговар қўллаш учун қўшимча жиҳозланган, ўта қийин йўллардан ҳам юра оладиган тижорий автомобиллар билан таъминланган. Махсус операцияларни ўтказиш даврида алоҳида бригадаларга Ироқ Қуролли Кучларига қарашли зирҳли техника (*танклар ва бронетранспортёрлар*) ажратилиши ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, мамлакатнинг Анбар, Найнава ва Таамим вилоятларида аҳолининг сунний, язид, курд ва христиан фуқароларидан ташкил топган ўзини-ўзи муҳофаа қилувчи қуролли гуруҳлар шакл-

лантирилган, ammo улар кам сонли бўлгани учун муҳим аҳамият касб этмайди ва асосан майда миллатлар яшайдиган ҳудудларни қўриқлаш ва муҳофаа қилиш вазифаларини бажаради.

2017 йилдан бошлаб «Ал-Хашд аш-Шааби» мамлакат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмоқда (*2017 йил – 1,63 млрд, 2018 йил – 1,68 млрд, 2019 йилда – 2,1 млрд доллар миқдоридagi маблағ ажратилган*). Сўнгги йилларда Ироқ раҳбарияти бу ташкилотни ислоҳ қилиш чораларини кўрмоқда. Режаларга кўра, уни мамлакат Қуролли Кучлари таркибига киритиш, халқ лашкарига қарашли барча харбийлаштирилган

қўшилмаларни Қуруқликдаги қўшинларнинг амалдаги ташкилий-штат тузилмаси (*бригада, полк, батальон, рота*) билан мослаштириш кўзда тутилмоқда. Ислохотлар доирасида хориж мамлакатларидан зарурий миқдорда қурол-яроғ ва харбий техника харид қилиш, шунингдек, чет эллик харбий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш ишларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

«Ал-Хашд аш-Шааби» кўмондонлигининг аксарият вакиллари АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатларининг харбий қисмлари Ироқ ҳудудида бўлишига қарши ва уларни оккупант, деб ҳисоблайди. Лашкар раҳбарияти ва улар билан боғлиқ бўлган диний ҳамда сиёсий етакчилар мамлакатнинг амалдаги ҳукуматида АҚШ ва унинг иттифоқчиларига қарашли харбий контингентни Ироқдан чиқариш масаласи ижобий ҳал қилиниши мақсадида мунтазам босим ўтказиб келмоқда. Ўз навбатида, Оқ уй ҳам «Ал-Хашд аш-Шааби» қўшилмалари тарқатиб юборилишига эришиш мақсадида Ироқ ҳукуматида ҳар томонлама таъсир ўтказишни давом эттириб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунга келиб халқ лашкари кўнгилчилари Ироқ Республикасининг миллий куч тузилмалари тизимида мустақам ўринга эга. «Ал-Хашд аш-Шааби»нинг келгуси ривожланиши ва янада такомиллашиши эса мазкур тузилманинг мамлакат Қуролли Кучлари таркибига киритилиши билан белгиланади.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

## ХИТОЙДА РҲЙХАТГА ОЛИШ БОШЛАНДИ



Хитойда аҳолини оммавий рўйхатга олиш ишлари бошланди. Мазкур тадбир мамлакат тарихида еттинчи мартаба ўтказилмоқда. Муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирни ўтказишда 7 миллион нафар ходим иштирок этмоқда. Уларнинг ҳар бири деярли 250 кишини рўйхатга олиши режалаштирилган. Аҳолини ҳисобга олиш ишлари 10 декабрга қадар давом этади. 2019 йилнинг охирига оид маълумотларга кўра, ҳозирда Хитой аҳолисининг умумий сони, махсус маъмурий районларни ҳисобга олмаганда, 1,4 млрд кишидан ошган.

## ИККИНЧИ ТУР ЎТКАЗИЛАДИ



Молдовада навбатдаги Президент сайловлари бўлиб ўтди. Саккиз нафар номзод даъвогарлик қилган сайловларда асосий кураш амалдаги Президент Игорь Додон ва собиқ Бош вазир Майя Санду ўртасида борди. Якуний натижаларга кўра, номзодлардан ҳеч бири ғолибликка эриша олмаган. Шу сабабли, жами 32 фоиз овоз тўплаган Додон ва 36 фоиз кўрсаткичга эга бўлган Санду сайловларнинг 15 ноябрь кунига белгиланган 2-турида курашни давом эттирадиган бўлди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТИДА



Туркияда содир бўлган кучли zilzila оқибатида 102 киши қурбон бўлган, 1 026 киши турли даражада жароҳатланган, улардан 143 нафари оғир аҳволда касалхоналарга жойлаштирилган, деб хабар қилади «РИА Новости». Зилзила мамлакатнинг ғарбий қисмида юз берган бўлиб, унинг эпицентри Измир вилоятининг Сефериҳисор шаҳри яқинида, Эгей денгизига жойлашган. Сейсмологлар маълумотида кўра, ер ости силкиниш кучи 6,6 баллни ташкил этган.

## БУ ҚИЗИҚ

# СУВ ИММУНИТЕТНИ КЎТАРАДИ (МИ)Э?

“ Биз ҳар куни ишлатадиган ва одатда эътибор бермайдиган унсур – сувнинг қиймати шундоқ ҳам йилдан йилга ортиб бораётган эди. Пандемия даврида унинг аҳамияти янада ошди. Чунки инсон организми учун кислороддан кейин энг зарур модда бу, шубҳасиз, сувдир. Қуйида сувга боғлиқ қизиқарли фактлар билан танишасиз.

● Организмнинг бор-йўғи 2 фоиз сув йўқотиши қаттиқ ташналикка олиб келади. 10 фоизли йўқотиш эса ҳаёт учун хавфли, 12 фоизли кўрсаткич қайтмас жараёнларга сабаб бўлиши мумкин. Организмнинг катта қисми сувдан иборат бўлганлиги сабабли у ҳар куни маълум миқдордаги сувга эҳтиёж сезади. Олимлар ушбу меъёрни 8 стакан деб белгилаган. Сувсизланиш натижасида организмнинг асосий функциялари, жумладан инфекцияларга қарши курашиш қобилияти сусаяди.

● Сув Ер шарининг 70 фоиздан ортиқ ҳудудини эгаллаб туради. Аммо унинг фақат 3 фоизигина чучук сув бўлиб, ўсимликлар, жонзотлар ва инсоният эҳтиёжига тўғри келади.

● Сувнинг хотирага эга эканлиги қатор тажри-

баларда исботланган. Тоза сувга қарата ёқимли куй тартиб кўрилган, ҳақоратли сўзлар билан таҳдид қилинган, атрофда шовқин солинган ва тартибсизликлар уюштирилган. Атроф-муҳитдаги ҳолат сувнинг таркиби бузилишида роль ўйнаган ва бу билан сувнинг ахборот қабул қилиши исботланган.

● Ўртача 70 йил умр кўрган инсон тахминан 35 тонна сув истеъмол қилади. Лекин бугунги кунда камида 1 млрд одам тоза сувда ювениш тугул тўйиб тоза сув ичишни ҳам орзулаб яшайди. Агар сиз сувга тўяётган ва покланаётган бўлсангиз, қандай буюк неъматга эга эканлигингиз тўғрисида ҳам бир ўйлаб кўринг ҳамда сувни исроф қилманг.


## Сувнинг COVID-19 га қарши курашдаги аҳамияти

Ҳар қандай касалликка қарши курашда ҳам сувнинг ўз ўрни бор. Аммо 2020 йил пандемияси ҳисобланган коронавирус инфекциясига қарши курашда сувнинг аҳамияти жуда катта:

1. Қўлларни мунтазам ювиб юриш шартлиги узлуксиз таъкидланяпти.
2. Дезинфекция воситаларининг аксарияти асосини сув ташкил этади.
3. Шифохоналар, гавжум жойлар, ўқув масканлари ва умуман, инсон бор ҳар қандай жой бир неча карра кўпроқ тозаланишга зарурат туғилди.
4. Айнан ушбу касалликда организмнинг сувсизланиши асло мумкин эмаслиги хусусида қайта-қайта бонг уриляпти.

## Хўш, корона-вирусга чалинганда, сувсизланиш нимаси билан хавфли?

Коронавирус инфекцияси туфайли келиб чиққан COVID-19 касаллигининг ўзи инсонни ўлдирмайди.



Аммо у туфайли пайдо бўлган асоратлар организмда қайтмас жараёнларни туғдириши ва ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳали бу касалликнинг ўзи, асоратлари ва у туфайли келиб чиққан ўлим сабаблари бир неча ўн йиллар давомида юзлаб-минглаб тадқиқотлар мавзусига айланади. Аммо ҳозирданоқ аниқ бўлган жиҳатлари бор – касалликда иштаҳа йўқолиши ўз-ўзидан кам истеъмолга, тез нафас олиш ва юқори ҳарорат суюқлик йўқотишга сабаб бўлади ва шу каби омиллар бирлашиб, организм сувсизланишига олиб келиши мумкин. Бу кейинги муаммоларни туғдиради: шиллик қаватлар қурийдилар, интоксикация бошланади, қон қуюқлашади ва ўлимга олиб келувчи омиллардан бири – тромблар ҳосил бўлишига замин яратади.

## Қанча миқдорда сув ичиш керак?

Ҳаммаси индивидуал. Вазн, ҳаракат, ёш, ёндош касалликлар, ейилаётган таом, қабул қилинаётган дори-дармонлар каби омиллар ҳисобга олинади. Лекин бу касалликда кўпчиликка мос келувчи умумий тавсиялар бор – болалар 2-3 литр, катталар 3-5 литр сув (ёки турли шаклдаги суюқликлар) ичишлари шарт. Сув ўрнини компот, шарбатлар, турли хил дамламалар ҳам босиши ва яхши фойда бериши мумкин. Аммо газланган ичимликлар мумкин эмас.

Сувни оз-оздан, мунтазам, кўнгилга тегмайдиган миқдорда истеъмол қилиш керак.

С. МАМИРЖАНОВА тайёрлади.



## МОЛИЯВИЙ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ



Евроосиё тараққиёт банки Тожикистонга 50 миллион доллар миқдорида молиявий кредит ажратди. Бу маблағлар 20 йил муддатга тақдим этилган ва корона-

вирус пандемияси шароитларида мамлакат иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилиши кўзда тутилган. Мамлакат ҳукумати ушбу молиявий ёрдамдан пандемиянинг салбий таъсири оқибатида зарар кўрган иқтисодий соҳаларини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида фойдаланишни режалаштирмоқда.

## ОНЛАЙН МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗИЛДИ



Туркменистон сув хўжалиги давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Сув ресурслари вазирлиги вакиллари онлайн форматда ўтказилган му-

зокараларда сув билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Томонлар минтақа давлатлари ўртасидаги сув билан боғлиқ муаммолар барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда ҳал этилиши лозимлигини таъкидлаб ўтдилар, деб хабар қилади SNG.Today агентлиги.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## ҲАРБИЙ БАЗАГА ҲУЖУМ



Афғонистоннинг Қундуз вилоятида жойлашган ҳарбий базага уюштирилган ҳужум оқибатида камида 24 киши, шу жумладан ҳарбий хизматчилар жароҳатланган, деб

хабар беради «РИА Новости». Маълумотларга кўра, аввал миналаштирилган автомобиль портлаган, сўнгра жангарилар ва ҳарбийлар ўртасида отишма бошланган. Маҳаллий шифохона шифокорларидан бирининг маълум қилишича, жами 14 нафар ҳарбий ва 10 нафар тинч аҳоли вакиллари касалхонага жойлаштирилган.

## МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ҲАҚИДА

Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР



Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Боғот тумани ўқув спорт-техника клуби (ЎСТК) томонидан ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

– Бу йўналишдаги ишлар кўламини яхшилаш мақсадида ташкилотимиз бугунги пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда турли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Шоназар Раззоқов. – Хусусан, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнат ва оммавий ватанпарварлик ишларига кўпроқ жалб қилиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Воёга етмаган ёшлар билан ишлаш ва уларни оталиққа олиш ҳамда ишга жойлаштириш шулар жумласига киради.

Хўжалик ҳисобида фаолият юритаётган ташкилотда ҳайдовчиларни тайёрлаш ишлари ҳам яхши ташкил этилган. ЎСТК ўқув биноси синфхоналари, машқ майдончаси ва ўқув автомобиллари уйғунликда жойлашган. Машғулот хоналари керакли жиҳозлар билан таъминланган. Бу ҳолатни ташкилот раҳбарияти ва ходимларининг фаол саъй-ҳаракатлари самараси дея баҳолаш мумкин. Фахриддин Жуманиёзов, Хуршид Рўзметов, Элёр Хўжаев, Бекзод Олимов сингари ўқитувчи ва амалий бошқариш усталари бу борада янада фаол ҳаракат қилмоқдалар. Фидойи ходимлар самарали меҳнати натижасида жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 625 нафар «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашга эришилди. Шунингдек, ЎСТКда «С» ҳамда «Е» тоифаларни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар учун қайта тайёрлаш курслари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ЎСТК таркибида ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ёзги биатлон ҳамда дуатлон каби спорт секциялари ҳам ташкил қилинган. Тўғарак аъзолари бўлган спортчилардан Севара Машарипова, Нилуфар Юлдошева, Саварбек Шоназаров ҳамда Зафарбек Бобохоновлар бир неча бор вилоят ва республика мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлишган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ташкилотда ёшларнинг ўз устида ишлаши, шуғулланиши ҳамда юқори натижаларга эришишида кўплаб имкониятлар яратилган. Бу омилларнинг барчаси ўз навбатида муассасада иш тўғри ташкил қилинганидан далолатдир.

**Акбар АЛЛАМУРОДОВ**

**Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Боғот тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси ташкилотнинг барча аъзоларини яқинлашиб келаётган 23 ноябрь – «Ватанпарвар» ташкилоти кунини билан самимий табриклайди.**

**Азиз ҳамкасблар! Сизларни жўшқин ватанпарварлик кайфияти ҳеч қачон тарк этмасин!**





# Labirint



## QAYSI QUSH BAXTLI?

Qadim o'tgan zamonda, uzoq o'lkalardagi qalin o'rmon ichida bir qarg'a yashagan ekan. U o'z umridan juda mamnun, baxtli hayot kechirar ekan. Biroq bir kuni ko'kda viqor bilan uchib ketayotgan oqqushni ko'ribdi-yu, o'ylab qolibdi: "U juda ham oppoq qush ekan. Shuning uchun juda chiroyli. Men esa qop-qoraman. Nazarimda, oqqush dunyodagi eng baxtli qush bo'lsa kerak".

U xayolan kashf qilgan baxt haqidagi xulosalarini oqqushga borib aytibdi. O'zining baxtsizligidan nolibdi. Oqqush uzun bo'ynini oldinga cho'zib javob qilibdi:

– Umuman olganda, gaping to'g'ri. Ammo mendan ham baxtliroq qush bor, bu – to'ti. U dunyodagi eng baxtli qush hisoblanadi.

Oqqushning tan olib gapirishidan to'tining dunyodagi eng baxtli qush ekanligiga ishonchi ortgan qarg'a yo'lda to'tini uchratibdi. Unga oqqushning ta'rifini aytibdi. To'ti boshini sarak-sarak qilganicha so'zga kiribdi:

– Do'stim, oqqushning gapida jon bor. Sababi toki tovusni uchratmagunimcha men ham shunday iqrorda edim. Endi bilsam, dunyodagi eng baxtli qush tovus ekan. Mana, qara, menda faqatgina ikki xil rang bor. Mening go'zalligim shu ikki tusli patlarimda. Ammo tovusda olamda bor jamiki rangni uchratasan. Shubhasiz, u dunyoning eng go'zal, eng baxtli qushi.

Qarg'a xulosalariga yakun yasash uchun tovusni qidirib ketibdi. Izlay-izlay uni hayvonot bog'idagi qafas ichidan topibdi. Qarg'a bir muddat tovusning chiroyiga mahliyo bo'lib qolibdi. Uning eng baxtli qush ekanligiga shubhasi qolmabdi. Eng hayratlanarlisi, panjara ortidagi o'nlab, yuzlab odamlar uni tomosha qilish uchun bo'y cho'zishar, hayratlarini bir-birlariga to'lqinlanib gapirishar edi. Qarg'a atrofga tun pardasi yoyilib, odamlar tarqalguncha kutib turdi. So'ng sekin tovusga yaqinlashdi. Unga bu yerga kelishdan maqsadini tushuntiribdi. Kamalakdek serjilo patlarini yig'ib olgan tovus sekin gap boshlabdi:

– Eh, Qarg'avoy! Nahotki, o'zingni baxtsiz hisoblasang. Axir sen ozod qushsan. Xohlagan yeringga ucha olasan, xohlagan qushlar bilan gaplasha olasan. Xullas, o'z erking o'z qo'lingda. Men-chi? Men mana shu panjaralar ortida odamlarga bir muddatlik quvonch ulashish uchun o'zimni ne ko'ylarga solishga majburman. Shuni unutma, do'stim Qarg'avoy, tutqun jon o'zini hech qachon baxtli his etolmaydi.

Tovusning yonidan uzoqlashayotgan qarg'a qanotlarini qattiq-qattiq silkitarkan "qaysi qush baxtli" degan savoliga to'la-to'kis javob topibdi va eng katta baxt ozodlik ekanligiga to'la iqrora bo'ldi.

To'lqin MUHIDDIN



Ra n g l a r j i l o s i

# ОБУНА – 2021

«VATANPARVAR» газетаси нашр кўрсаткичи – 114

«Ўзбекистон армияси» журнали нашр кўрсаткичи – 1273



**– Биз «VATANPARVAR»ни танладик. Сиз-чи?**

## БИР ЧИМДИМ

Арслоннинг  
бўйида занжир  
бўлса-да, у  
арслондир.

Жалолиддин РУМИЙ

## БИЛАСИЗМИ?

1769 йилда дунёга келган бу инсоннинг оилада тўрт акаси ва уч синглиси бўлган. Кейинчалик у нафақат Европада, дунёда ном қозонган, бир қанча асарларнинг қаҳрамонига айланган. 1769 йилда ким туғилган?

Жавоб: Наполеон Бонапарт

## БИЛАСИЗМИ?

«Мамлакат идораси аскарсиз мумкин эмас. Идора ўз қўлимизга ўтқач, табиий, ватанимизнинг душмандан муҳофазаси ўз устимизга тушажак. Бунинг учун ўз аскаримиз бўлурга керак. Табиийдирки, мамлакат идораси бизнинг қўлда бўлиб аскарликни бошқалар қилмаяжак». Бу ўтли фикрлар муаллифи ким?

Жавоб: Абдулла Қодирий

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Армия спорти  
ютуқлари

# VATANPARVAR

### Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУДОФАА  
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

### Бош муҳаррир:

майор  
Ахрор ОЧИЛОВ

### Навбатчи:

катта лейтенант  
Азиз НОРҚУЛОВ

### Саҳифаловчилар:

лейтенант  
Рамиз ВАЛИЕВ  
Нодирабегим ВАЛИЕВА

### Мусахҳихлар:

Зебо САРИЕВА  
Мастура ҚУРБОНОВА  
Муаттар МЕЛИЕВА

### Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50  
бухгалтерия: (71) 260-35-20  
юримдик бўлим: (71) 269-88-91  
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-1162.

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: А3.

Адади: 30 582 нусха.

Босишга топшириш вақти: 14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.

Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 1-уй.